Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 209 (12.863).
8 СЕНТЯБРЬ 1964 ЙИЛ СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

А. Н. КОСИГИН ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Совет ҳукумат делегациясига бошчилик қилган А. Н. Косигин Афғонистонга қилган сафаридан қайтаётиб, шу йил 7 сентябрда Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида А. Н. Косигинни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Курбонов, И. Г. Анисимкин, Н. Ж. Худойбердиев, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар К. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Урта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. И. Кадишев, СССР Урта Осиё Иқтисодий райони Қурилиш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси В. М. Гушчин, Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. С. Демин кутиб олдилар.

А. Н. Косигин ва совет ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари бир оз дам олганларидан сўнг Москвага жўнаб кетдилар. (УзТАГ).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

МОСКВА РАДИОСИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ 1964 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН

Азиз ўртоқлар!

Чехословакия Социалистик Республикасига дўстлик визити билан борган совет партия-ҳукумат делегацияси бундан икки кун бурун қайтиб келди. Қардош Чехословакияда кўрганларимиздан олинган таассуротларни, сафаримизнинг натижаларини сизларга гапириб бермоқчиман.

Чехословакия тупроғига қадам қўйган биринчи дақиқаларимизданоқ ажойиб Прага шаҳрининг аҳолиси бизнинг делегациямизни жуда самимий, қардошларча кутиб олди, биз ҳам бутун визитимиз давомида мана шу самимийлик ва шод-хуррамликни ҳис қилиб турдик. Бу—энг самимий ҳисларнинг ифодаси бўлди. Бундай ҳислар кўнгилнинг энг чуқур жойларидангина чиқиши мумкин. Бу ҳислар Чехословакия халқларининг Совет Иттифоқи халқларига бўлган зўр муҳаббати ва дўстлигини яққол кўрсатиб турибди.

Менинг бу нутқим Чехословакия радиоси ва телевидениеси орқали ҳам эшиттирилишини менга айтишди. Мен шундан фойдаланиб, Чехословакиядаги дўстларимизга мурожаат қилмоқчиман ва уларга яна бир марта шуни айтмоқчиманки:

— Совет халқига, бизнинг мамлакатимизга нисбатан қардошларча дўстлик ҳисларини изҳор қилганликларингиз учун сизларга катта раҳмат.

Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига, унинг Биринчи секретари ва республика Президенти, бизнинг қалин дўстимиз ўртоқ Антонин Новотнийга, Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукуматига, унинг раиси ўртоқ Иозеф Ленартга ва Чехословакия ерида биз билан учрашган ўртоқларнинг ҳаммасига яна бир марта қизғин ташаккур айтмоқчиман.

Бизнинг партия-ҳукумат делегациямиз Чехословакияда бўлган кунларда Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари нақадар маҳкам ва бузилмас эканлигини янги куч билан ҳис қилдик. Бу дўстлик узоқ ўтмишдан илдиз ёйиб келган. Бу дўстлик гитлерчилар Германиясига қарши курашда айниқса чиниқиб, маҳкамланди ҳамда уруш йилларида халқларимиз ўғил ва қизларининг тўкилган қони билан мустаҳкамланди.

Маълумки, бизнинг делегациямиз Чехословакия тарихидаги зўр воқеанинг—Словак миллий қўзғолонининг 20 йиллиги байрамида қатнашди. Бу воқеа тўғрисидаги хотира чехлар ва словакларгагина эмас, шу билан бирга совет кишиларига ҳам қадрлидир. У ерда руслар, украинлар, Совет Иттифоқидаги кўпгина халқларнинг намояндалари, бошқа мамлакатлар халқларининг намояндалари чехлар ва словаклар билан бирга умумий душманга қарши жанг қилишди.

Чин дўст бошга кулфат тушганда синалади, деб бекорга айтилмаган. Умумий иш учун курашда вужудга келган ва мустаҳкамланган дўстликдан кўра азиз нарса йўқ. Бу — муқаддас дўстликдир, биз сингари чех ва словак дўстларимиз ҳам бу қардошларча дўстликка содиқ эканликларини кўриб, хурсанд бўлдик. Словак миллий қўзғолонида қатнашганларнинг кўплари бу қўзғолонга йигирма йил тўлганлигига бағишланиб, Банска-Бистрица шаҳрида ўтказилган байрамда тўпланишди. Ўша йиллардаги жангларнинг қатнашчилари бўлган совет кишилари — собиқ партизанлар, солдатлар, командирлар чехлар ва словаклар билан ёнма-ён туришди. Бу мард кишиларнинг, шонли ватанпарварларнинг кўксида Чехословакия ва Совет Иттифоқининг жанговар орденлари ярқираб турарди.

Митинг ва авиация паради бизда унутилмас таассурот қолдирди. Авиация парадини кўрган кишиларнинг ҳаммаси замонавий реактив қирувчи самолётларда ва бошқа самолётларда юксак учувчилик техникасини намойиш қилган чехословак учувчиларининг маҳоратига ва мардлигига қойил бўлишди.

Чехословакия Варшава шартномаси мамлакатларининг Ғарбдаги мустаҳкам қалъаларидан бири, деб ёзилган гапни бир вақт мен буржуа матбуотида ўқиган эдим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у, мустаҳкам қалъадир. Тинч яратувчилик планларини амалга ошираётган Совет Иттифоқининг, барча социализм мамлакатларининг ўзларини ва ўз дўстларини ҳимоя қилмоқ учун керакли ҳамма нарсалари бор.

Сизларга, ўртоқлар, яна бир учрашув тўғрисида ҳикоя қилиб бермасдан ўтолмайман. Байрам куни кечқурун собиқ партизанлар Чехословакия раҳбарларини ва бизнинг делегациямизни Банска-Бистрица шаҳри яқинидаги ўрмонга таклиф қилишди. Улар тоғ орасида гулхан ёқишди. Биз шу гулхан атрофида ўтириб олдик, ўтган кунлар тўғрисида суҳбатлар, хотираларни эслаш бошланиб кетди. Чехословакиялик ўртоқлардан бири: бизлар партизанлик қилган вақтда совет партизанларининг «Водийларда, адирларда юрганмиз» деган қўшиғи бизнинг энг севимли қўшиқларимиздан эди, деган гапни айтди. Шу ондаёқ ҳамма бир бўлиб шу қўшиқни айта бошлади. Партизанлик қилинган унутилмас кунлардан сўнг йигирма йил ўтгач, Словакия тоғларида «Бу кунларнинг шуҳрати сўнмас, ўчмас ҳеч қачон...» деган эсдан чиқмайдиган сўзлар яна янграб кетди.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, халқларимизнинг жасорати, тирик қаҳрамонларнинг ҳам, фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда фидо бўлган қаҳрамонларнинг ҳам шуҳрати асло сўнмайди!

Умумий душманимизга қарши курашда Совет мамлакатининг ботирларча ҳалок бўлган ўғил ва қизлари Чехословакия ерида чехлар ва словаклар билан ёнма-ён ётибди. Чехословакиялик дўстлар совет жангчиларининг қабрларини нақадар меҳр-муҳаббат билан асраётганликларини кўрдик. Биз Чехословакия ватанпарварларининг ёдгорлигига, совет солдатлари ва партизанларининг ёдгорлигига гулчамбарлар қўйдик.

Ёдгорликлардан бирига қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилган:

«Тириклар, жангларда қурбон бўлганларни унутманглар!

Ҳалок бўлганларнинг тортган азобларини, улар сенинг орзуларинг ва ғоя-мақсадларинг учун курашда ўзларини ўтга ташлаганликларини ёдингда тут».

Бу сўзлар ҳалок бўлганларни эслатувчи сўзларгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга тирикларга наказ бўлиб ҳам янграйди. Ўтган урушнинг сабоқлари ҳушёр бўлиш зарурлидир. Яна уруш олови ловиллаб кетмаслиги учун ҳамма чораларни кўриш зарурлигини тақозо қилиб турибди. Урушга қарши, тараққиёт учун курашаётган кучларнинг ҳаммасини яхлит қилиб бирлаштириш лозим.

Мустаҳкам тинчлик учун кураш ҳамма кишиларнинг муқаддас бурчи, деб айтиб келдик ва буни қайта-қайта айта берамиз.

Ҳамма халқлар империалистик кучларнинг кирдикорларига қарши, реваншизм ва уруш кучларига қарши актив кураша берсалар, урушнинг олдини олиш, тинчликни мустаҳкамлаш мумкин. Биз шуни яхши тушунамизки, тинчлик ишини сақлаб қолмоқ, социализм ғалабаларини сақлаб қолмоқ учун буларни ҳимоя қиладиган мустаҳкам кучимиз, энг замонавий техника билан таъминланган қудратли қуролли кучларимиз бўлиши зарур. Империалистлар ва реваншчилар шуни унутмасликлари керакки, ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бермоқ учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқида, социалистик мамлакатларда мавжуд.

Қарийб йигирма йилдан бери Чехословакия халқи янги турмуш қуриш йўлидан бормоқда. Биз бу сафаримиз вақтида социалистик Чехословакиянинг муваффақиятлари билан яна бир марта танишиш имкониятига эга бўлдик.

Мамлакатнинг социал турмуши ва мамлакат қиёфасининг ўзи тарихан қисқа муддат ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Чехословакия халқ хўжалиги ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи бир неча рақамни айтиб бермоқчиман. Саноат ишлаб чиқариши халқ ҳокимияти йилларида урушгача бўлган вақтдагига нисбатан 4,6 баравар кўпайди. Бу—катта муваффақият. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, буржуа Чехословакиясининг ўзи ҳам иқтисодий ривожланган мамлакат эди.

Саноатнинг бир қанча тармоқларидаги ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг миқдори жиҳатидан Чехословакия жаҳондаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Албатта, Чехословакия саноатининг ишида ўзининг қийинчиликлари ҳам бўлган. Ўтган йил бир қанча сабабларга кўра, саноат ишида камчиликлар содир бўлганлигини чехословакиялик ўртоқлар очиқ айтиб беришди. Лекин бу йил Чехословакия саноати яхши суръатлар билан ўсмоқда.

Халқ хўжалигини бошқариш методларини яхшилаш масаласига ҳозирги вақтда чехословакиялик дўстларимиз алоҳида эътибор бермоқдалар. Худди бизнинг мамлакатимизда бўлгани каби, Чехословакияда ҳам саноатни ва қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг энг самарали формалари қидирилмоқда.

Чехословакиялик дўстлар завод ёки фабрика бажараётган ишларнинг натижаларидан оддий ходимларнинг ҳам, шунингдек корхона раҳбарларининг ҳам моддий манфаатдорлигини оширмоқ учун ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ходимнинг меҳнатини энг яхши рағбатлантириш масаласини муҳокама қилмоқдалар.

Бизнинг делегациямиз Ян Шверма номидаги заводда бўлди. У катта халқ корхонаси бўлиб, авиация моторлари ва шу моторларга запас қисмлар ишлаб чиқаради. Улар яхши моторлардир, шунинг учун биз бу заводнинг маҳсулотини, шунингдек Чехословакиядаги бошқа кўпгина корхоналарнинг маҳсулотини ҳам бажону дил сотиб олмоқдамиз. Чехословакиядаги меҳнатсевар ишчиларнинг қўли билан ясалган чехословак ускуналари ва машиналари Совет Иттифоқининг кўпгина корхоналарида ўрнатилганлигини Прагадаги митингда сўзлаган нутқимда айтиб ўтган эдим.

Ян Шверма номидаги завод яна шу жиҳатдан ҳам диққатга сазоворки, бу завод Чехословакиянинг бутун саноати босиб ўтган йўлни маълум даражада акс эттиради. Бу завод шу асрнинг бошидаёқ қурилган эди. Ўшанда мотоциклар ишлаб чиқарадиган ярим кустар корхона автомобиллар ишлаб чиқаришга киришган эди. Завод биринчи авиация моторини бундан қирқ йил бурун чиқарган эди. Халқ ҳокимияти йилларида завод ўсиб, йирик замонавий корхона бўлиб қолди. Бу заводда авиация моторларининг ҳилма-хил конструкциялари ишлаб чиқарилди ва ишлаб чиқарилмоқда.

Биз завод раҳбарлари билан, унинг инженерлари, техниклари ва ишчилари билан суҳбатлашдик. Чехословакиялик дўстларимиз ҳам бизнинг олдимизда турган вазифаларга ўхшаш вазифаларни ҳал қилаётганликлари равшан бўлиб қолди: улар ҳам техникани янада тараққий эттириш учун, ишлаб чиқаришнинг техника маданиятини ошириш учун, юксак меҳнат унумдорлиги учун курашмоқдалар.

Чехословакияда биз баъзи қишлоқ хўжалик кооперативлари ва корхоналари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдик. Ҳозир республикада 7626 та кооператив бор. Ҳайдаладиган ерларнинг қарийб 92 проценти қишлоқ хўжалик кооперативларининг ва давлат хўжаликларининг қўлида.

Шуни айтиш керакки, Чехословакиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши анча юксак даражага кўтарилган, социализм мамлакатлари орасида у олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Кооперативлашиш йилларининг ўзидагина (1948—1963 йилларда) Чехословакияда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 34 процент, товар маҳсулоти эса 90 процент кўпайди. Ўтган йил гектар бошига 24,3 центнер буғдой, 20,2 центнер жовдар, 23,3 центнер арпа, 298 центнер қанд лавлаги ҳосили олинди. Буни паст рақамлар деб бўлмайди, албатта. Лекин юқори даражадаги рақамлар ҳам эмас. Чехословакиялик дўстлар фан, техника муваффақиятлари, химияни, селекция ишларини ривожлантириш асосида тағин ҳам юксак натижаларга эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

(Охири иккинчи бетда).

ДЎСТОНА ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 7 сентябрда Кобулдан Москвага қайтиб келди. Делегация Афғонистон ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистонда бўлди ва Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Ҳиндиқуш тизма тоғлари орқали ўтадиган автомобиль магистралининг очилиши муносабати билан бўлган тантаналарда қатнашди. (ТАСС).

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Қарши ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «XX партсъезд» совхозининг Қосим Авазов бошчилигидаги бригадаси бу йил янги ўзлаштирилган 50 гектар ерга чигит экди. Улар бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан мажбурият олганлар. Бригадада ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинади. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Қосим Авазов ва у бошлиқ бригада аъзолари.

А. Тўраев фотоси.

Н. С. ХРУШЧЕВ қурилиш ва йўл машиналари халқаро виставкасини бориб кўрди

МОСКВА, 7 сентябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Қурилиш ва йўл машиналари ҳамда қурилиш-монтаж ишларини механизациялаш воситалари халқаро виставкасини бориб кўрди. Виставка Лужникида очилган.

Виставкани Д. С. Полянский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Д. Ф. Устинов, К. Н. Руднев ўртоқлар ҳам бориб кўрдилар.

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМДИР

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Совет—Чехословакия қўшма баёнотида бундай дейилади:

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси 1964 йил 27 августдан 5 сентябргача дўстлик визити билан Чехословакияда бўлди. Делегация Словакия миллий қўзғолонининг 20 йиллиги муносабати билан Банска-Бистрицада ўтказилган тантаналарда қатнашди, Чехословакия Социалистик Республикасининг социалистик жамият қуриш ишида эришган янги муваффақиятлари билан танишди, саноат корхоналарида ва қишлоқ хўжалик кооперативларида бўлди, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция вакиллари билан учрашди ва улар билан самимий суҳбатлар қилди.

Чехословакия меҳнаткашлари СССР халқларига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига чуқур қардошларча дўстлик ҳисларини изҳор қилиб, СССР партия-ҳукумат делегациясини меҳр-муҳаббат билан кутиб олдилар ва зўр шодлик билан табрикладилар.

Совет партия-ҳукумат делегацияси, дейилади баёнотда, делегацияни ҳамма жойда қардошларча самимият билан кутиб олганликлари учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматига ва бутун чехословак халқига чин кўнгилдан ташаккур билдиради.

СССР партия-ҳукумат делегацияси Чехословакияда бўлган вақтида музокаралар ва суҳбатлар бўлди. Ҳар иккала мамлакат партия-ҳукумат делегацияларининг самимият, қардошларча ҳамкорлик ва социалистик интернационализм вазиятида ўтган музокаралари муҳокама этилган барча масалаларда тамомила якдиллик борлигини ва позицияларнинг бир хил эканлигини таъкидлади.

Совет партия-ҳукумат делегацияси, дейилади яна баёнотда, чехословак халқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эришган жуда катта муваффақиятларини мамнуният билан қайд қилади.

Ҳар иккала делегация СССР билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлик соҳасида эришилган натижаларни муҳокама қилдилар ва бу ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда кучайтириш тўғрисида фикрлашиб олдилар. Музокаралар давомида ҳамкорлик масалалари янада ривожлантирилди. Ана шу ҳамкорлик тўғрисида Чехословакия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 1963 йил ноябрида Совет Иттифоқига келган пайтда бир битимга келинган эди.

Ҳар иккала томон мамнуният билан шуни қайд қилдилар ки, Совет—Чехословакия муносабатлари тўла ҳуқуқий тенглик асосида, ишонч, дўстлик, ўзаро қардошларча ёрдам руҳида ва ҳар томонлама, доим кучайиб бораётган ҳамкорлик руҳида ривожланиб бормоқда.

Ҳар иккала томон шуни таъкидладиларки, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти доирасида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг асосий принципларига мувофиқ суратда амалга оширилаётган ўзаро иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун социалистик мамлакатлар экономикасининг алоқаларини тобора кўпроқ кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Делегациялар халқаро аҳволнинг барча асосий масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Улар ҳозирги халқаро вазиятга, тинчликсевар кучлар, халқаро революцион ва миллий-озодлик ҳаракати эришган катта муваффақиятларга баҳо беришда тамомила бир хил фикрда эканликларини таъкидладилар.

Баёнотда яна бундай дейилади: КПСС ва Чехословакия Коммунистик партиясининг вакиллари ҳар иккала партия ўртасидаги муносабатларга таллуқли масалаларни, шунингдек халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим проблемаларини муҳокама қилдилар.

Чехословакия Коммунистик партияси, дейилади баёнотда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг марксизм-ленинизмни ривожлантириш ишига қўшган жуда катта ижодий ҳиссасига юксак баҳо беради ва у партия XX съезди қарорларининг айниқса катта тарихий аҳамиятига юксак баҳо беради. 1957 йил Декларациясида ва 1960 йил Баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, бу съезднинг қарорлари халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришда янги босқичга асос қўйди. Чехословакия Коммунистик партияси КПСС XXII съездининг жаҳон-шумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган қарорларига ва бу съездда қабул қилинган ҳамда коммунизм мақсадларига эришиш йўлини кўрсатиб берган улуғвор программага ҳам юксак баҳо беради.

Ҳар иккала Коммунистик партия ўз фаолиятида халқаро коммунистик ҳаракатнинг коммунистик ва ишчи партиялар ишлаб чиққан ҳамда 1957 йил Декларациясида ва 1960 йил Баёнотида кўрсатиб берилган умумий йўлига, стратегия ва тактика принципларига амал қиладилар. Ўтган йиллар мобайнида воқеаларнинг бориши бу йўлнинг тўғри ва ҳаётий йўл эканлигини тўла исбот қилди.

Ҳар иккала партия жаҳон тараққиётида доим рўй бериб турадиган янги ҳодисалар, шунингдек халқаро коммунистик ҳаракатнинг умумий курашига тааллуқли масалалар қардош партияларнинг позицияларини вақт-вақти билан коллектив суратда муҳокама қилишни ва ўзаро келишиб олишни талаб этади, деган фикрни якдиллик билан изҳор қиладилар. Шу сабабли, ҳар иккала коммунистик партия коммунистик ва ишчи партияларнинг янги кенгашини яқин келажакда чақириш зарур вазифа, деб ҳисоблайдилар, КПСС ва Чехословакия Коммунистик партияси ҳозирги вақтда Хитой Компартияси раҳбарларининг бузғунчилик ишлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигига ва ҳаракат бирлигига таҳдид қилаётган асосий хавфдир, деган фикрда турибдилар. Ҳар иккала партия Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг жаҳон коммунизми бирлигига қарши қаратилган ва асло йўл қўйиб бўлмайдиган хатарли фракциячилик ишларини қатъиян қоралайдилар.

Баёнотда бундай дейилади: КПСС ва Чехословакия Коммунистик партияси шу нарсага чуқур аминдирларки, икки социал системанинг иқтисодий мусобақаси давомида социализм кучлари капитализм кучлари устидан тобора кўпроқ устун бўлади. Бу ҳол халқаро коммунистик ҳаракатнинг революцион мақсадларига эришиш ва бу ҳаракатнинг тарихий вазифасини бажариш учун халқаро майдонда энг қулай шарт-шароит вужудга келтиради. Ҳар иккала қардош партия шуни таъкидлайдиларки, тинч-тотув яшаш сиёсати империализм билан ва буржуа идеологияси билан бирор даражада муроса қилишни кўрсатмайди. КПСС ва Чехословакия Коммунистик партиясининг бутун фаолияти марксча-ленинча принципиаллик, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳи билан суғорилган. Ҳар иккала партия империализмга қарши курашмоқда, бундан буён ҳам қатъий кураш олиб боради ва ҳозирги кишилик жамиятининг тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан ривожланиб боришини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўради.

Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакияга қилган визити, СССР ва Чехословакия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияларининг музокаралари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси, СССР ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматларининг гоявий ҳамда сиёсий бирлигини, Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг бузилмас дўстлигини яна бир марта намойиш қилди, ҳар иккала мамлакат ўртасида марксизм-ленинизм принциплари асосида ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликни янада кучайтиришга ёрдам берди.

Совет—Чехословакия қўшма баёнотини КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний имзоладилар. (ТАСС).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Ўртоқ Новотний менга Чехословакияда, аввало, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан қишлоқ хўжалигини интенсивлаш чоралари белгиланаётганлигини гапириб берди.

Биз Кеавероводаги паррандачилик фабрикасида бўлдик. Бу фабрикада парранда гўшти ва тухум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Мен буни баъзи жиҳатдан намунали деб айтсам бўлади, чунки у ҳозирги вақтда сермаҳсул парранда гўшти етиштиришни қандай йўл билан ривожлантириш лозимлигини кўрсатиб турибди. Бу фабрика қурилиб бўлганидан кейин йилига 2300 тонна парранда гўшти етиштиради.

Бу фабрика—истиқболи порлоқ корхоналарнинг биридир. Колхозлар ва совхозларда парранда етиштириш соҳасида шу вақтгача биз қаноатланиб келган методларни аслини олганда кечаги куннинг методлари деса бўлади. Эндиликда гўшт ва тухумни саноат тарзида етиштиришга ўтиш керак.

Бу фабрика мисолида биз шуни яққол кўрдикки, бизнинг чехословакиялик дўстларимиз парранда гўшти ва тухум етиштиришни интенсивлаш йўлига тушиб олибдилар. Бу—ривожланишнинг истиқболли йўлидир.

Ўша фабриканинг коллективи билан учрашганимда, мен парранда маҳсулотларини паррандачилик фабрикаларида ва ихтисослаштирилган бошқа хўжаликларда етиштириш йўли билан мамлакатимизнинг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқ учун қандай чоралар кўраётганимизни гапириб бердим. Бу хусусда батафсил гапирмасликка ижозат бергайсиз. Тухум ва парранда гўштини саноат тарзида етиштиришнинг конкрет йўллари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу кунларда матбуотда эълон қилинган қарорида кўрсатиб берилган.

Бизда паррандачилик фабрикаларининг янги лойиҳаларини тузаётган вақтда Чехословакиядаги ўртоқларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олиш керак. Бизда гарчи замонавий паррандачилик фабрикалари бор бўлса ҳам, лекин бизнинг мутахассисларимиз бошқаларнинг яхши тажрибаларидан фойдаланса, чакки бўлмайди. Биз чехословакиялик дўстларимиздан бизга ўз тажрибаларини ўргатишларини илтимос қилдик, улар ҳам бунга бажону дил рози бўлишди.

Бизнинг делегациямиз «Свобода» қишлоқ хўжалик кооперативида бўлди. У—жуда диққатга сазовор, юксак даражада ривожланган хўжалик. Унинг ибратли ишлари кўп. Кооператив минерал ўғитлардан фойдаланиш ва ерни яхши ишлаш асосида экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга муваффақ бўлибди.

1963 йилда гектар бошига 43 центнер буғдой, 30 центнер жавдар, 165 центнер картошка, 382 центнер қанд лавлаги ҳосили олинганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Бу йил ҳам шу хўжалик мўл ҳосил олибди. Бизга айтишларига қараганда, бу йил кооператив гектар бошига 44.8 центнер нўхат олган.

Скандинавияда бўлган вақтимизда бизга зотли танача ва буқачалар тортиқ қилишган эди. Булар капиталистик фирмаларда етиштирилган яхши моллардир.

Лекин социалистик хўжаликларда ҳам яхши зотли моллар етиштирилмоқда. Чехословакияда ҳам бизга гўшт-сут олиш учун етиштирилаётган зотли тарғил сигирнинг бузоғини тақдим этишди. Шу бузоқ онасининг сути таркибидаги мой 4 процентдан ошиқ эканлигини бизга айтишди. Бу кооперативда зоти яхши чўчқалар бор. Бизга зотли урғочи чўчқани, икки центнер сара нўхатни ҳам тортиқ қилишди.

Бу тортиқлар учун чехословакиялик дўстларимизга чин кўнгилдан ташаккур айтамиз. Биз хўжаликни ривожлантиришга қизиқувчи кишилармиз, бу тортиқлардан хўжаликларимизда фойдаланамиз.

Прагадаги уй-жой қурилиши билан қизиқиб танишиб чиқдик. Жумладан, биз Чехословакия пойтахтининг ғарбий қисмидаги янги районни бориб кўрдик. Бу район тепаликка жойлашган. Унинг микроиқлими жуда яхши ва ҳавоси тоза, чунки районнинг бир чеккаси катта дарахтзорга туташган. Жуда кўп турар-жой бинолари қуриш учун бу жой мураффақиятли танланганлигининг ўзи ҳам архитекторларнинг бу районда нелгусида яшайдиган кишиларнинг эҳтиёжларига диққат билан қараганликларини кўрсатиб турибди. Биз уйларнинг турли нусхаларини, турли қурилиш конструкцияларини кўрдик, энг муҳими эса квартираларнинг ички безалиши жуда яхши, биз ҳам буни зўр бериб ўрганишимиз керак.

Хуллас, биз чехословак халқи турмушининг қай томони билан танишган бўлмайлик, бу танишиш чехословакиялик дўстларимиз учун бизда фахрланиш ҳисларини кучайтирди ва бизни ғоят қизиқтирди.

Банска-Бистрицадаги концертда ижро этилган қувноқ, талантли номерлар сира эсимиздан чиқмайди. Шу концертда биз ижодкор интеллигенциянинг ўз халқининг турмуши ва кураши билан чамбарчас боғланганлигини ҳис қилдик.

Социализмнинг ҳар бир мамлакати саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, фан, техника ва маданиятнинг турли соҳаларида қимматли тажриба тўпламоқда.

Иқтисодий ва маданий қурилиш тажрибаларини бир-биримизга кенг равишда ўргатиш билан социалистик ва коммунистик қурилиш суръатларини тезлаштира берамиз. Капиталистик мамлакатларга нисбатан бизнинг мамлакатларимизда шундай бир бебаҳо афзаллик борки, биз ишлаб чиқариш сирларини бир-биримиздан яширмаймиз, балки ўз мураффақиятларимизни, ўзимизнинг энг яхши тажрибаларимизни бажону дил баҳам кўрамиз, биз мана шу афзалликдан фойдаланишимиз зарур.

Бизни Брно шаҳридаги халқаро ярмаркани бориб кўришга таклиф қилишди. Бу ярмаркада социалистик мамлакатларнинг ва капиталистик дунё мамлакатларининг саноати қатнашмоқда. Шу ярмаркада биз Чехословакиянинг ва бошқа мамлакатларнинг техника янгиликлари билан ғоят қизиқиб танишиб чиқдик. Бундай ярмаркалар—тажриба алмашиш ҳамда, давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун фойдалидир.

Бошқа шаҳарларнинг аҳолиси каби Брно шаҳрининг аҳолиси ҳам бизни самимият, зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Уларга дўстона кутиб олганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур айтмоқчиман.

Чехословакия халқи катта ғалабалар қозонди ҳамда социалистик қурилиш назариясига ва практикасига ўз ҳиссасини қўшди. Бу—Чехословакия Коммунистик партияси, унинг Ўртоқ Антонин Новотний бошчилигидаги Марказий Комитети ўтказиб келаётган чинакам марксча-ленинча сиёсатнинг натижасидир.

Шу визит вақтида биз Чехословакиянинг раҳбар партия ва давлат арбоблари билан учрашдик ва суҳбатлашдик. Ҳар иккала партиямизни, мамлакатларимизни қизиқтираётган кўпгина проблемалар устида фикрлашиб олдик. Музокараларимизнинг натижалари матбуотда эълон қилинган Совет—Чехословакия Қўшма баёнотида акс эттирилди.

Чехословакиялик ўртоқлар ва биз ҳамма масалаларда тўла равишда якдил эканлигимизни зўр мамнуният билан қайд қилдик. Музокаралар ҳар иккала партиямиз ва ҳукуматимизнинг қарашлари ва позицияларидаги бирликни яна бир марта тасдиқлади.

Музокаралар вақтида иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳақида гаплашилди. Ҳозир бизнинг Чехословакия билан алоқаларимиз яхши, лекин шу алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун имкониятлар кўп, бу ҳамкорликнинг кенгайтирилишидан эса, Чехословакия ҳам, Совет Иттифоқи ҳам манфаатдор.

Биз билан бўлган суҳбатлар вақтида чехословакиялик ўртоқлар Чехословакия Социалистик Республикасининг ва Совет Иттифоқининг экономикасини янада яқинлаштириш, халқ хўжалик планларини координациялашни кенгайтириш, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни ривожлантириш зарурлигини ва бошқа масалаларга доир фикрларини айтишди. Бизнинг делегациямиз бу таклифларга ўз розилигини билдирди.

Сизларга маълумки, ўртоқлар, Совет — Чехословакия қўшма баёнотида халқаро масалаларга доир муштарак фикрларимиз баён қилинган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси халқлар ўртасида тинчлик бўлиши учун, турли социал тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши принципларининг тантанаси учун бундан буён ҳам зўр бериб курашга маҳкам бел боғлаганликларини билдирдилар. Совет Иттифоқи ва Чехословакия Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга, халқаро кескинликни юмшатишга ҳаракат қила берадилар.

Бизнинг партияларимиз империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашни бундан буён ҳам давом эттиришга, инсониятнинг тинчлик ва тараққиёт йўлида ривожланиши учун ҳамма чораларни кўришга қаттиқ бел боғлаганлар.

Империалистлар социалистик мамлакатларга қарши, ишчилар ҳаракатига ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашда ҳозирги шароитда миллатчиликдан фойдаланишга уринмоқдалар, империализмга қарши кураш фронти кучларининг орасига нифоқ солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Хитой раҳбарларининг бузғунчилик фаолияти муносабати билан биз халқаро коммунистик ҳаракатдаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдик.

Хитой Компартияси раҳбарларининг бузғунчилик фаолияти коммунистик ҳаракатга зарар етказмоқдаки, бу тўғрида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси, шунингдек бошқа қардош партияларнинг кўпчилиги ҳам бир фикрдадирлар. Аслини олганда, Хитой раҳбарлари империализмга қарши курашнинг ялпи фронтини бўшаштириб, империалист агрессорларни янги авантюраларга қизиқтирмоқдалар, революцион кучларга қарши курашда уларга ёрдамлашмоқдалар.

Қўшма баёнотда уқтириб айтилганидек, бундай шароитда коммунистик ва ишчи партияларнинг кенгашини чақириш зарур бўлиб қолди. Бу кенгашни тайёрлашга ва ўтказишга рози бўлган партияларнинг вакилларидан иборат редакцион комиссиянинг маслисини шу йилнинг декабрь ойидаёқ чақириш мақсадга мувофиқдир.

Хитой раҳбарлари кенгашни ўтказишдан бош тортмоқдалар, улар кенгашда принципиал партиявий мунозара олиб боришга қараганда қойиш ва сўкиш билан шуғулланишни афзал кўраётганга ўхшайдилар. Улар орани бузиб юборамиз, деб дўқ қилиб, қардош партияларни қўрқитишга уринмоқдалар. Бундай шароитда бирдан-бир тўғри қарор шуки, халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг бирлигини ва пролетар интернационализми принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча қардош партияларнинг вакиллари тўпланишлари ва етилган масалаларни коллектив бўлиб муҳокама қилишлари керак. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳам, Чехословакия Коммунистик партиясининг ҳам, бошқа кўпчилик марксчи-ленинчи партияларнинг ҳам фикри мана шу.

Бизнинг ҳар иккала партиямиз барча социалистик мамлакатларни жипслаштирмоқ, Хитой раҳбарларининг ленинизмга қарши бузғунчилик йўли натижасида халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган жиддий қийинчиликларни бартараф қилмоқ ҳамда марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати барча отрядларининг монолит бирлигини ўрнатмоқ учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай кураш олиб бора берамиз, деб айтишди.

Азиз ўртоқлар!

Чехословакия Социалистик Республикасига қилган визитимизнинг асосий якунини қисқача қилиб, бир неча сўз билан таърифлаб бериладиган бўлса, бу якун қуйидагича:

Партия-ҳукумат делегациямизнинг визити Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословакия Коммунистик партиясининг мустаҳкам ғоявий ва сиёсий бирлигини, Совет Иттифоқи халқари билан Чехословакия халқларининг бузилмас дўстлигини яна бир марта намойиш қилди. Бу визит пролетар интернационализми принциплари асосида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам берди.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ҳар қачонгидан мустаҳкам эканлигини яна бир марта яққол кўрдик. Ўртоқ Антонин Новотний Прагадаги митингда бу дўстлик тўғрисида яхши гапириб ўтди.

— Чехословакия — Совет дўстлиги, — деди у, — бундан буён ҳам тош-метиндек мустаҳкам бўлиб қола беради, бу дўстлик Ватанимизнинг ҳозирги ва келажак авлодлари онгида ҳам жуда зўр қимматга эга бўлиб қола беради.

Ўз нутқининг охирида сизларни хушнуд қиладиган бурчни адо этмоқчиман: Чехословакия ишчиларининг, деҳқонларининг, Чехословакия интеллигенцияси намояндаларининг қизғин саломини ва энг самимий, энг дўстона истакларини совет кишиларига топширмоқчиман. Чехословакиянинг ҳамма жойида, заводларида, фабрикаларида, кооперативларида шуни биздан илтимос қилишди. Биз билан учрашган кишиларнинг ҳаммаси совет халқига муҳаббат ва дўстлик ҳисларини изҳор қилишди. «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!» деган хитобларни ҳамма жойда эшитдик.

Халқимизга яхши сўзлар айтганликлари ва яхши ҳислар изҳор қилганликлари учун сизларнинг номингиздан қардошларимизга, чехословакиялик дўстларимизга яна бир марта ташаккур айтишга ва умумий ишимиз учун кураша уларга янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Сизларга маълумки, Чехословакияда одамлар бир-бирлари билан учрашганларида бир-бирларини: «Честь праце» — меҳнатга шараф! деб табриклаш одати бор. Энг яхши келажакни ўз қўли билан бино қилаётган янги дунё кишисига шундай сўзлар билан мурожаат қилиниши жуда яхши. Ер юзидаги меҳнат аҳллари бу порлоқ келажакни албатта бино қиладилар.

Чехословак халқига мурожаат қилиб айтамизки, Совет Иттифоқи халқлари ҳамиша сизлар билан бирга.

Эзгу мақсадимиз — коммунизм сари сизлар билан бирга ҳамиша олга бора берамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯГА

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 7 сентябрда Москвадан Софияга жўнаб кетди. Делегация Болгарияда социалистик революциянинг 20 йиллиги байрамида иштирок этади. Делегация Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан қардош мамлакатга бораётир.

Внуково аэродромида делегацияни Г. И. Воронов, Д. С. Полянский, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Ф. Устинов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қўйишди.

Кузатувчилар орасида Болгариянинг СССРдаги элчиси Стоян Каражов, Болгария эл. чихонасининг ходимлари, журналистлар бор эди. (ТАСС).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯГА КЕЛДИ

СОФИЯ, 7 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Софияга келди. Делегация Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария ҳукуматининг таклифига биноан, Болгарияда социалистик революциянинг 20 йиллигини байрам қилишда қатнашади.

САМИМИЙ, ДЎСТОНА СУҲБАТ

СОФИЯ, 7 сентябрь. (ТАСС). Бугун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ва Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг раиси Георгий Трайков КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Л. И. Брежнев бошчилигида Болгариядаги социалистик революциянинг 20 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Болгария Компартияси Марказий Комитетининг ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан, Болгарияга келган совет партия-ҳукумат делегациясини қабул қилдилар.

Болгария Коммунистик партиясининг ва Болгария ҳукуматининг раҳбарлари билан совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ўртасида дўстона суҳбат бўлди, суҳбат самимийлик ва қардошлик вазиятида ўтди.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Л. И. Брежнев совет рассоми М. М. Девятов чизган «Октябрь шаболи» суратини Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига, Болгария Халқ Республикасининг Халқ мажлиси президиумига ва Министрлар Советига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан эсдалик туҳфа қилиб топширди.

Суҳбатда Болгария томонидан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Боян Билгаранов, Енчо Стайков, Живко Живков, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари Лучезар Аврамов, ташқи ишлар министри Иван Башев, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиуми раисининг ўринбосари Георгий Кулишев ҳозир бўлдилар.

ЎЗБЕК ВА БОЛГАР ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА АБАДИЙ ДЎСТЛИК УЧУН

7 сентябрда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида таъсис этувчилар — Тошкент области жамоат ташкилотлари вакиллари, фан ва маданият арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик ходимларининг совет — болгар дўстлиги жамиятининг Тошкент область бўлимини тузишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова Болгария Халқ Республикасининг 20 йиллиги ҳамда Ўзбекистон ва Болгария халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши тўғрисида доклад қилди. Тошкент области билан Болгария Халқ Республикасидаги Хасково округи меҳнаткашлари ўртасида,—деди у, — бир неча йилдан буён қалин алоқалар давом этмоқда. Совет — болгар дўстлиги жамиятининг тузилаётган бўлими қардош халқлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сўзга чиққан нотиқлар ташаббускор группанинг таклифини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш совет — болгар дўстлиги жамиятининг Тошкент бўлимини тузишга қарор қилди.

Тошкентдаги ўқув юртларида таълим олаётган болгар студентлари номидан сўзга чиққан Стоил Миланов янги жамоат ташкилотини табриклади.

Бўлим правлениеси составига таниқли олимлар, санъат арбоблари, колхоз далаларининг доғдор сохиблари, саноат новаторлари — СССР халқ артисти М. Турғунбоева, Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатининг флотатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Воспитанникова, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи завод комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Ғаниев, тарих фанлари доктори Р. Аминова, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги К. Маркс номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Абдуллаев, «Чиноз» совхозининг директори К. Аъзамов ва бошқалар сайланди.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти, иқтисод фанлари кандидати Ф. Ғ. Мукминов правлениенинг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Э. И. ОТАХОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий тадқиқот фаолиятида ҳамда медицина илмий кадрлари тайёрлашдаги ютуқлари учун медицина фанлари доктори, Тошкент медицина институтининг кафедра мудири Эргаш Исоболевич Отахоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1964 йил, 7 сентябрь.

ШИФОКОРЛАР

(МУХБИРЛАР ХАТИДАН)

□ □

«Ҳурматли редакция! Мен мақола ёзишга унча уста эмасман. Аммо Чуст районидаги шифокор Ҳожихон Умаров ҳақида ёзмай туролмадим. Ушбу мақоламни газета саҳифасида ёритишингизни ўтиниб сўрайман:

Колхозимиз механизатори Мутталиб Умаров иш пайтида бирдан қаттиқ огриб қолди. Хирург Ҳ. Умаров дарҳол «Тез ёрдам» машинасида етиб келди ва касалга биринчи ёрдам кўрсатди. Умаров касалхонада беморни операция қилди. Салкам бир ойда ҳамкишлоғимиз тузалиб чиқди. У ҳозир «оқ олтин» майдонида жавлон урмоқда».

Чуст районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси Мўминжон Маранмовнинг оқ халатли меҳрибонлар ҳақидаги бу хатига ўхшаш мактублар редакцияга ҳар куни келиб туради.

Газетхонлардан М. Каримова ва Ғ. Қўчқоров ўртоқларнинг хатларида ҳам андижонлик шифокорлар ҳақида илиқ сўзлар айтилган.

Задарё бошқармасидаги «Правда» колхозининг фельдшери Собиржон Мўминов колхозчилар саломатлигини янада яхшилаш йўлида тинмай меҳнат қилиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган кишилардан. Ўртоқ С. Мўминов колхозчилар ўртасида актив жамоатчи сифатида ҳам катта обрў қозонган. У агитация, пропаганда ишларини яхши йўлга қўйишда колхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам беради. Дала шийпонларида бўлиб ёки радиоузел орқали медицина темаларида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб туради. Жамоатчи фельдшернинг ташаббуси билан чорвачилик фермаларида, дала шийпонларида ап-течкалар ташкил этилди. Бу ҳақда Задарёдаги 17- мактабнинг ўқитувчиси Ғсарали Қўчқоров севинч билан хабар қилади.

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районидан А. Ешбосинов, Э. Жуманиёзов, И. Дўсчонов ва М. Давлетова ўртоқлар ёзган хабарларда Амударё район бирлашган касалхонаси ходимлари эл соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида ҳалол меҳнат қилаётганликлари, касалхона амбулаториясида замонавий медицина аппаратлари билан жиҳозланган бир неча кабинетлар ташкил этилганлиги айтилади.

Мухбир Ҳ. Каримов редакцияга юборган материалига «Жонқуйар доя» деб сарлавҳа қўйган.

— Мавлуда опани Ўрта Чирчиқ районида танимайдиган, ҳурмат қилмайдиган киши йўқ. Чунки у бир неча йиллардан бери 2.«Оҳангарон» совхози туғруқхонасида акушерка бўлиб ишлаб, юзлаб хонадонларга бахт келтирди. Ҳар куни чақалоқнинг биринчи йиғиси, онанинг майин жилмайиши, оталарнинг гулдастаси унда ўз ишига бўлган меҳр ва талабчанликни янада оширади. У фақатгина касалхонадаги иши билан чегараланмайди. Балки дала шийпонларида тез-тез бўлиб, саломатлик ҳақида, бола тарбияси ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказади, ёш болали оналарга яқиндан маслаҳатлар беради. Яқинда қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлдик. Мана шу воқеанинг ўзиёқ Мавлуда опа умрини совет кишиларининг соғлигини сақлашга бағишлаганлигини билдиради. Мавлуда опа касалхонада навбатчи эди. Тун. Соат иккиларда телефон жиринглаб қолди. Совхознинг 4-«Октябрь» бўлимида бемор аёл ётгани, унинг аҳволи жуда оғир эканлигини маълум қилишди. Меҳрибон шифокор дарҳол «тез ёрдам» машинаси билан бемор ҳузурига етиб борди. Аёлнинг аҳволи ғоят оғир эди. Унга дарҳол қон қуйиш керак. Ҳозир ҳар бир минут қимматли, нима қилиш керак, ўйлади Мавлуда опа. Беморни касалхонага олиб келиб, кейин қон қуйилса кечикилади.

Шифокор бирдан йўқотган нарсасини топган кишидек севиниб кетди ва ўз билагидан қон олиб, беморга қуя бошлади, — деб ёзади совхоз ишчиси Ҳакимжон Каримов.

Тошкентлик Темур Каримовнинг редакциямизга йўллаган хати ҳам диққатга сазовордир:

— Турмуш ўртоғим Сабоҳат Каримова оғир бетоб бўлиб қолди. — деб ёзади у, — Сабоҳатни тезда 6. шаҳар поликлиникасига олиб келдик. Уни бу ерда касалхонанинг бош врачи Муяссар Эшонхўжаева операция қилди. Мен шифокор Эшонхўжаевага оиламиз аъзолари номидан миннатдорчилик билдираман ва келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилайман.

Мухбирлардан Р. Раҳмонов Қарши шаҳридаги область касалхонаси урология бўлимининг бошлиғи А. Абдимўминов ҳақида, Ғ. Саломов буйрак тошининг давосини топган фармацевт Н. Махсудов ҳақида самимий сўзлар айтишган. Бухоро областидан Х. Сафаров, Сғ Омонова, Фарғона областидан И. Бўтабоев, Самарқанд областидан Р. Саидов ўртоқлар ҳам соғлигимиз посбонлари — оқ халатли меҳрибонлар ҳақида ёзиб юборишган.

ҚУРИЛИШ КЕЧИКТИРИЛМОҚДА

ҚАПИТАЛ ҚУРИЛИШ — МУҲИМ МАСАЛА

Андижондаги ирригация-машинасозлиги заводининг ишлаб чиқариш майдонлари тор, ҳозирги кунининг юксак талаблари даражасида эмас эди. Шунинг учун бу заводни қайта қуришга қарор қилинди.

Дастлаб корхона қурилишига ғайрат билан киришилдию, сўнг ишлар бўшаштириб юборилди. Масалан, етти ой ичида қурилишга 675 минг сўм сарфланиши керак эди. Амалда эса ажратилган маблағнинг 346,8 минг сўми ўзлаштирилди. Бошқача қилиб айтганда, қурилиш-монтаж ишлари топшириғи 51,3 процент бажарилди.

Бунга сабаб шуки, пудратчи ташкилотлар билан заказчилар ўртасида сансалорлик пайдо бўлиб қолди. Бу ерда ишлаётган қурилиш ташкилотлари ишида қўнимсизлик юз берянти. Планга мувофиқ «Стальмонтаж» трести (бошлиғи Ўртоқ Абаев) коллективи етти ой давомида 319 минг сўмлик иш бажариши керак эди. Афсуски, бу иш тўла бажарилмади, атиги 75,4 минг сўмлик иш қилинди.

Бу йил завод территориясида 9 та объект қуриб, битказилиши керак. Ҳозир фақат 2 та объект бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётир. Қолган етти объект қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатлари йўқлиги учун бошланмасдан турибди. Кабель ва шунга ўхшаш зарур қурилиш материаллари етарли эмас.

Айниқса, заводнинг бош корпуси қурилишига ажратилган маблағ ёмон ўзлаштирилмоқда. 7 ойда 520 минг сўмлик ўрнига 265 минг сўмлик иш бажарилди. «Стальмонтаж» трести эса 264 минг сўмни ўзлаштирмади.

Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилмаётганига яна бир сабаб 162-қурилиш трестида (бошқарувчиси Ғиёсов, бош инженери Ецин ўртоқлар) моддий-техника таъминоти яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, трестнинг қурилиш материаллари комбинати кейинги уч ой ичида завод қурилиши учун темир-бетон устунлар тайёрлаб бериш топшириғининг учдан бир қисминигина бажарди. Комбинат раҳбарлари «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш олиб бордилар.

Плиталар ҳам вақтида етказиб берилмаётир. Қурувчилар мўлжалдагидан 400 та кам плита олдилар. Қурилишни бетон билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Оҳак, тупроқ, гишт ва бошқа қурилиш материалларининг етишмаслиги ҳам иш суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қурилишда қатнашаётган ташкилотларнинг раҳбарлари «бундан буён мавжуд имкониятлар ва механизмлардан унумли фойдаланиб, ойлик ва квартал топшириқларини тўла бажаришга эришамиз» деб ваъдалар беришяпти. Лекин бу ваъдаларга ишониб бўлмайди. Чунки, ишнинг бориши ваъдалар ёлғон эканини яққол кўрсатиб турибди. «Завод қурилиши график асосида олиб борилаётир» дейишади улар. Юзаки қараганда шундай. График бор. Бироқ у пухта ўйлаб тузилган эмас. Малакали кадрлар, ишнинг кўзини биладиган инженер-техник ходимлар оз. Қурилиш участкасига келтирилаётган темир-бетон конструкция сифатсиз тайёрланган, талабга жавоб бермайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ишдаги у ёки бу камчиликлар завод қурилишининг ўринсиз равишда кечикишига сабаб бўлаётир. Шунга қарамасдан 162- қурилиш трести ва бошқа қурилиш ташкилотларининг хўжалик раҳбарлари меҳнатни тўғри уюштириш, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб боришда нўноқлик қилмоқдалар. Улар беғамлик ва бепарволик кайфиятига берилиб кетганлар. Трест бошланғич партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Загородников) ҳам камчиликларни ҳаспўшлаб келаётир. Маъмуриятнинг иши устидан контроллик бўш, социалистик мусобақага партия ташкилотининг раҳбарлиги сезилмайди.

162-қурилиш трести ҳамда йирик корхона қурилишида иштирок этаётган барча ташкилотлар ва завод раҳбарлари қурилишда суръатга-суръат қўшиш учун қўшимча тадбирларни белгилаб, ишни талаб даражасида олиб боришлари керак.

А. ҚУРОНБОЕВ,
М. НИЕЗОВ.

Тошкент тепловоз депосида СССРдаги 30 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда юқори кўрсатгичларга эришиш тажрибаларини баҳам кўради, бири бирига—устоз ва бири бирига—шогирд. Суратда (чапдан): тайёрлов цехининг мастери ўзбек Камол Обидов, тепловоз машинисти рус Виктор Смоляков, татар Рашид Ҳамидулин, машинист ёрдамчиси қозоқ Шариф Қолдибеков ва тепловоз машинисти ўзбек Маҳсур Аъламов ўртоқлар.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2
8 СЕНТЯБРЬ, 1964 ЙИЛ
№ 209 (12.863).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИШИ УЧУН КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

1964 йил 5 сентябрь эрталаб соат 5 дан 45 минут ўтганда Америка халқининг атоқли қизи, АҚШ Коммунистик партиясининг раиси Ўртоқ Элизабет Гэрли Флиннинг юраги уришдан тўхтади. Элизабет Флиннинг вафоти — АҚШдаги коммунистлар, прогрессив кучлар учун, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун оғир жудолик ва зўр кулфатдир.

Ўртоқ Элизабет Флинн ўзининг бутун умрини Америка халқининг порлоқ истиқболи учун, марксизм-ленинизм улуғ идеяларининг тантанаси учун олиб борилаётган олижаноб курашга бағишлади.

Ўртоқ Флинн ёшлик чоғларидан бошлаб сўнгги нафасига қадар ўзининг жўшқин ғайратини Америка ишчилар синфининг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини курашиб қўлга киритиш ишига сарфлади. Ўртоқ Флинн бу курашда Америкадаги революцион ҳаракатнинг атоқли арбоблари Юджин Дебс, Билл Хейвуд, Уильям З. Фостер, Юджин Деннис ва Бенжамин Дэвис билан қўлни қўлга бериб ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди.

Ўртоқ Элизабет Флинн жанговар агитаторликдан бошлаб АҚШ Коммунистик партияси Миллий комитетининг раиси бўлишгача шонли ва машаққатли йўлни босиб ўтди. У, Америка пролетарияти монополияларга қарши олиб борган кескин синфий жанглар ўчоғида, АҚШ меҳнаткашларининг гражданлик ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари учун курашда сиёсий арбоб бўлиб етишди ва тобланди.

Ўртоқ Элизабет Флинн Нью-Гемпшир штатидаги Конкорд шаҳрида ирландиялик ишчи оиласида 1890 йил 7 августда дунёга келди. Элизабет ота-онасининг таъсири билан ёшлик чоғидаёқ ишчилар ҳаракатига қўшилди. Ўн олти яшар қиз АҚШ социалистик партиясига кирди.

Ўртоқ Флинн ўзининг жўшқин ва жанговар нотиқ эканлигини дарҳол кўрсатди, унинг нутқини тинглаш учун кўплаб америкалик ишчилар тўпланар эдилар. Кўчада ўтказилган митингларда қатнашганлиги учун у, 1906 йил август ойида қамоққа олиниб, тюрьмага ташланди. Тюрьмада бўлиши 16 яшар Флиннинг иродасини бука олмади, бунинг аксича, Америка ишчиларининг ҳаётий манфаатлари учун олиб борилаётган курашнинг ҳаққонийлигига унинг ишончи янада ошиб кетди. Тюрьмадан чиққач у, Америка меҳнаткашларининг «Жаҳон индустриал ишчилари» номли жанговар ташкилотига аъзо бўлиб киради ҳамда профессионал революционер ва пролетариат манфаатлари учун мард курашчи бўлиб қолади. Унинг номи Нью-Йоркка эмас, мамлакатнинг кўпгина шаҳарларига ҳам довруқ ёяди. Езувчи Теодор Драйзер 1906 йилда Э. Флиннга бағишлаб ёзган мақоласида уни Ист-Сайднинг Жанна д'Арки деб атади. Америка ишчилари ўша вақтда Элизабет Флиннга муҳаббат билан «ишчилар синфининг энг яхши кўрган қизи», «исёнкор қиз» деб ном қўйдилар. Полиция қамоқхоналарида қийноққа солинган ишчи шоир Жо Хилл 1915 йилда, қатл этилишидан сал олдинроқ Элизабет Флиннга бағишлаб, «Исёнкор қиз» деган шеър ёзди ва Флиннинг ишчилар иши учун курашдаги мардлиги ва жасоратини тараннум қилди.

Ўртоқ Флинн қариб 60 йил мобайнида Америка пролетариатининг синфий курашида актив қатнашди. У, Шарқий соҳилдан тортиб Ғарбий соҳилга қадар бутун мамлакатни кезиб чиқди, ишчилар ҳузурида нутқлар сўзлади, забастовка ҳаракатига бошчилик қилди. У 1912 йилда Лоуренцдаги тўқимачиларнинг машҳур стачкасида, 1913 йилда Петерсондаги шойи тўқиш фабрикалари ишчиларининг забастовкасида, 1916 йилда Эверетт ишчиларининг демократик эркинликлар учун олиб борган курашида ва Миннесота штати кончиларининг забастовкасида, 1926 йилда Пассайкдаги тўқимачилар забастовкасида бевосита қатнашди. Ўртоқ Флинн забастовка ҳаракатида ўзининг ишчиларнинг вафодор дўсти, пролетариат иши учун жасур курашчи эканлигини кўрсатди. Ўртоқ Флинн Америка империализми қурбонларини мардонавор равишда ҳимоя қилди. 1918—1925 йилларда у, ишчиларни ҳимоя қилиш иттифоқининг раиси, 1927—1930 йилларда АҚШдаги МОПР ташкилоти марказий комитетининг раиси бўлди.

Курашаётган омманинг жанговар йўлбошчисини реакционерлар жуда ёмон кўрар эдилар. АҚШнинг суд маъмурлари Америка халқининг мард фарзандини муттасил таъқиб этиб келдилар. Уни ўн мартача тюрьмага ташладилар. Ўртоқ Флинн сўнгги марта 1955 йилда 65 яшарлик пайтида қамоққа олиниб, каторга тюрьмасида уч йилга яқин сақлаб турилди. Тюрьмалардаги ётгани Ўртоқ Флиннинг саломатлигига жиддий зарар етказган бўлсада, аммо ҳаққоний иш учун олиб борилаётган курашда унинг иродасини бука олмади.

Элизабет Флинн ҳамма вақт Америка пролетариатининг вафодор ва садоқатли фарзанди бўлиб қолди. 1919 йилдан бошлаб Ўртоқ Флиннинг бутун фаолияти Америка коммунистлари билан, АҚШ шонли Коммунистик партияси билан чамбарчас боғлангандир.

Америка коммунистлари Ўртоқ Флиннга ғоят катта ишонч кўрсатдилар. У, 1938 йилда АҚШ Коммунистик партияси Миллий комитетининг аъзоси, 1939 йилда эса Компартия Миллий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб, Компартиянинг раҳбар органларига сайланади. 1959 йил охирида Элизабет Флинн АҚШ Компартияси раисининг ўринбосари, 1961 йилда эса АҚШ Компартиясининг раиси қилиб сайланди.

Ўртоқ Флинн марксизм-ленинизм идеялари билан қуролланган коммунистларгина пролетариат иши учун дадил ва изчил курашчи эканликларига қаттиқ ишонар эди. У, марксизм идеяларига садоқатли коммунист бўлганлиги билан фахрланар эди. «Қандай воқеа юз бермасин, — деган эди у, — мен бу идеялардан ҳеч қачон орқага чекинмайман».

Ўртоқ Элизабет Флинн ижодий марксизм-ленинизм принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлашга қимматли ҳисса қўшди. У, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йилги Кенгашида ҳамда коммунистлар ана шу халқаро форумининг программ ҳужжатларини тайёрлашда фаол қатнашди. КПСС XXII съездида ҳозир бўлди ва съезднинг юксак минбаридан нутқ сўзлади.

Ўртоқ Флинн марксизм идеяларини Америка ишчилари ўртасида тарғиб қилиб келган оташин ва жанговар агитатор, пропагандист ва талантли публицист эди. У, бир неча китоблар, шу жумладан «Ўз сўзим билан», «Олдерсон тюрьмасида» деган иккита автобиографик китобни, шунингдек турли журнал ва газеталарда босилган юзлаб мақолаларни ёзди. Ўртоқ Флинн Америка ишчилар синфига ва унинг илғор отряди бўлган АҚШ Коммунистик партиясига қаттиқ ишонар эди. У, Компартия сафларига ҳозир ёшлар кириб келаётганини, партияга ишчилар, негрлар, студентлар, тинчлик курашчилари аъзо бўлаётганини ифтиҳор билан гапирар эди. У, партия ўзининг монолитлиги ва активлиги билан ажралиб турганлигига, Ўртоқ Гэс Холл сингари мард ва моҳир раҳбар АҚШ Компартиясига бошчилик қилаётганига хурсанд эди.

Элизабет Флинн Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи халқари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг буюк курашчиси эди. У, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун куч-қувватини аямай сарфлар эди.

Америка халқининг содиқ фарзанди Элизабет Гэрли Флинн бошидан кечирган ажойиб ва олижаноб ҳаёт хотираси планетамиздаги барча софдил кишиларнинг қалбларида умрбод яшайди.

Алвидо, азизимиз ва севиклимиз Элизабет. Сен ўзингнинг бутун умрингни бағишлаган ишни марксчи-ленинчилар улуғ армиясининг янги авлоди давом эттиражак.

ЎРТОҚ ЭЛИЗАБЕТ ФЛИННИНГ КАСАЛИ ВА НИМА САБАБДАН ВАФОТ ЭТГАНИ ТЎҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ўртоқ Элизабет Флинн узоқ вақтдан буён гипертония касаллиги, атеросклероз дардига учраган бўлиб, унда ёғ, углевод ва сув-туз алмашиниши оғир равишда бузилган эди.

Сўнгги ҳафтада пайдо бўлган қаттиқ гастро-энтероколит беморнинг аҳволини янада оғирлаштириб юборди ва ўпка артерияси тромбоэмболия натижасида мураккаблашиб, шу нарса ўлимга сабаб бўлди.

Медицина фанлари доктори Н. К. ПЕРМЯКОВ,
терапевт-врач Г. Л. ЭПШТЕЙН, (АҚШ)
профессор В. Х. ВАСИЛЕНКО,
профессор А. Ф. БИЛИБИН,
медицина фанлари доктори В. Н. НИКИФОРОВ,
профессор Н. Н. ОВЧИНИНСКИЙ,
Марказий клиника касалхонаси нинг бош врачи А. И. ХРИМЛЯН,
СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма бошлиғи профессор А. М. МАРКОВ.

1964 йил 5 сентябрь,
Москва шаҳри.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНҒЛАШИНГ!

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ДЕФОЛИАЦИЯ КЕЧИКМАСИН

Республикамиз пахтакорлари бу йил 750 минг тонна «оқ олтин»ни машина билан терадилар. Бу мажбуриятни бажариш учун, даставвал, ғўза баргини ўз вақтида, сифатли тўкириш керак.

Ғўза баргини тўктиришга жадаллик билан киришиш, бу ишни узоғи билан 12-15 кун давомида тамомлаш керак. Бунинг учун мавжуд самолётлардан ва химиявий дориворлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Етиштирилган мўл ҳосилга путур етказмаслик учун, аввало, чигит эрта экилган ва ҳосили етилган майдонлардаги ғўзаларнинг баргини тўктириш, сўнгра ғўзаларнинг пишиб етилиши даражасига қараб, кўпчилик ўсимликларда 1-2 талан кўсак очилиши билан бошқа далаларда ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғўза баргини сунъий равишда тўктириш — пахта териш машиналарининг нормал ишлаши учун зарур шартлардан биридир.

Шуни эсда тутиш керакки, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, ғўзанинг барги яхши тўкилади, кўсакларнинг очилиши тезлашади ва агрегатлар унумли ишлаб, ҳосилни ифлос қилмай теради.

Бу йил ғўза баргини тўктиришда дефолиантлардан кальций цианамиди, магний хлорати, кальций хлорат-хлориди, фолекс ва бутифослар кенг кўламда ишлатилади.

Кальций цианамиди шудринг кўп тушадиган районларда соф ҳамда натрий кремнефториди билан қўшилган ҳолда қўлланилади.

Шу нарсани эсда тутиш керакки, ғўза кальций цианамиди ёки натрий кремнефториди билан қўшилган ҳолда чангланганида, ўртача ҳарорат 17-18 даражадан кам бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, бу препарат шудринг таъсирида ғўза барги устида яхши эримайди ва ғўза баргига деярли сингмайди, таъсир кучи камлик қилади ва натижада барг тўкилмай қолади.

Кальций цианамиди ёки унинг натрий кремнефториди билан аралашмаси ишлатиланда, чанглаш ишларини эрталаб тонг отиш билан бошлаб, ғўзанинг энг устки баргларидан шудринг кўтарила бошлаганига қадар давом эттириш керак. Кечқурун эса ғўза шудринг туша бошлашдан 1,5-2 соат олдин чангланса яхши натижа беради.

Ғўзанинг бўйи, баргларининг кам ва кўплигига қараб, ҳар бир гектар ерга 45-60 килограммгача кальций цианамиди ёки унинг натрий кремнефториди билан аралашмаси сепилиши зарур. Аралашманинг тўртдан уч қисми кальций цианамиди бўлса яхши натижа беради. Масалан, 45 килограмм кальций цианамидига 15 килограмм натрий кремнефториди қўшиш керак.

Ғўзанинг бўйи 80 сантиметр, барглари кўп бўлиб, шохлари бир-бири билан чалмашиб кетган майдонларнинг ҳар гектарига 45-50 килограмм кальций цианамиди, ёки бўлмаса унинг натрий кремнефториди билан аралашмасини қўлланиш лозим.

Агар ғўзанинг бўйи 80 сантиметрдан баланд, барглари кўп бўлиб, шохлари бир-бири билан чалмашиб кетган бўлса, унда ҳар гектар майдонга 55-60 килограммдан кальций цианамиди ёки унинг натрий кремнефториди билан аралашмаси чангланиши зарур.

Кальций цианамиди фақат чанглаш йўли билан ишлатилмай, балки, шудринг тушмаган кунлари ва шудринг тушмайдиган районларда, бошқа эффектив дефолиантлар йўқ бўлган тақдирда, эритма ҳолида ҳам ишлатилса, яхши натижалар беради.

Ғўза баргини тўктириш учун бу йил магний хлорати кенг қўлланилади. Бу препарат сувда яхши эрийди ва у эритма ҳолида ишлатилади.

Магний хлоратини трактор пуркагичлари билан ишлатиш учун концентрация қилинган 50 процентли эритма тайёрланади. Самолётлардан сепиладиган магний хлорати тўғридан-тўғри махсус ҳовузларда эритилади. Ғўзанинг ўсиши ва дефолиация даврига қараб, ҳар гектар ерга 8-12 килограммдан магний хлорати сепиш тавсия қилинади.

Ғўзанинг ривожланиш даражаси ва дефолиациянинг муддатига қараб, ҳар гектар ерга 20-25 килограмм кальций хлорат-хлориди 1,5-2 килограмм фолекс, 2-2,5 килограмм бутифос, 1,5-2,5 килограмм энфтол, 18-25 килограмм эркин цианамид сарфланади.

Дефолиациянинг дастлабки даврларида ғовламаган ғўзаларга паст нормада, дефолиациянинг сўнгги даврларида ғовлаган ғўзаларга эса юқори дозада дори ишлатилади.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг миришкор пахтакорлари дефолиантлардан моҳирлик билан фойдаланадилар. Улар сентябрь ойининг бошларидаёқ бутун пахта майдонини дефолиантлар билан ишлай бошлайдилар.

Шудринг кўп вақтда ҳамда ҳарорат етарли даражада бўлганда ғўзани кальций цианамиди билан чанглатадилар. Бу иш асосан 3 сентябрдан то 12-13 сентябргача давом этади. Шу муддат ичида баъзи кунлари шудринг тушмай қолса, эркин цианамид ишлатадилар, чунки цианамид ҳосилга зарар етказмайди. 12-13 сентябрдан бошлаб 16-17 сентябрга қадар эркин цианамид, фолекс ва бутифос каби дефолиантларни пуркайдилар, чунки бу даврда ана шу препаратлар жуда яхши натижа беради. ҳосилга зарар етказилмайди. 16-17 сентябрдан то 20 сентябргача ғўзаси дефолиация қилинмаган майдонларга магний хлорати ҳамда кальций хлорат—хлориди сепилади.

Чигит кеч экилган далаларда ғўза ҳаддан ташқари ғовлаб кетган бўлса ёки маълум сабабларга кўра дефолиация яхши натижа бермаса, у ҳолда ғўзани десикация қилиш, яъни қуритишга тўғри келади.

Ғўзани десикация қилишда магний хлорати, кальций хлорат-хлориди ва эндотал дефолиантларидан кенг фойдаланилади. Бунда ана шу препаратлар 1,5-2 баравар кўп сарфланиши керак. Десикантлар ҳам дефолиантлар каби трактор ҳамда самолётлардан пуркагич ёрдамида сепилади.

Препаратларни сифатли чанглатиш ва пуркаш самолётларнинг учиш баландлигига ҳам боғлиқдир. Дефолиант ва десикантларни сепишда ҳамда чанглатишда қатнашган самолётларнинг учиш баландлиги 5 метрдан баланд бўлмаслиги керак. Агар самолётлар 5 метрдан баланд учадиган бўлса, унда чанглатилган ҳамда пуркалган препаратларнинг тушиш тезлиги сусайиб, ғўзанинг остки қисмидаги барглар дориланмай қолиб, улар тўкилмайди. Бу майдонларга дефолиантлар ҳамда десикантларни қайта сепишга тўғри келади.

Ғўза баргини яхши тўкишда ҳамда қуритишда дорилардан фойдаланиш муддатини аниқ белгилаш ҳал қилувчи шарт ҳисобланади. Бунда шу нарсани эътиборга олиш зарурки, ҳаво ҳарорати юқори бўлган вақтда дори сепиш яхши натижа беради, чунки дориларнинг баркка ўтиш тезлиги ҳамда уларнинг таъсир кўрсатиш тезлиги ҳароратнинг нечоғли юқори бўлишига боғлиқ. Шунда дорилар таъсирида барг тез тўкилади, кўсаклар яхши очилади ва пахта териш машиналари унумли ишлайди.

Терим агрегатларининг унумли ишлашини истайдиган ҳар бир хўжалик раҳбари дефолиациянинг ўз муддатида сифатли ўтказилишини таъминлаш учун курашиши зарур.

А. ИМОМАЛИЕВ,
биология фанлари кандидати.

Суратда: Бўка пахтакорларининг «оқ олтин» карвони.
А. Тўраев фотоси.

КЎЧАЛАРНИ ТЎЛДИРИБ КАРВОН КЕЛАДИ...

ПИСКЕНТ, 7 сентябрь, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Пискентдаги Охунбобоев номли маданият ва истироҳат боғига бугун неча юзлаб қишлоқлар тўпланди, Шиорлар ёзилган алвонлар, паннолар, портретлар бу оромбахш сайрғоқ ҳуснига-ҳуснини қўшиб турибди. Худди байрамдагидек ясанган меҳнаткашларнинг дилларида хушнудлик, тилларида қўшиқлар... Бугун бутун район аҳолиси янги ҳосилдан жўнатилаётган қизил карвон байрамини нишонлаш учун бу ерга тўпланган.

Бўкалик азамат пахтакорлар етти йилликнинг олтинчи йилида она-Ватанга 62 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Далаларда етиштирилган ҳосил бу юксак мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишидан далолат бериб турибди. Бултурги мавсумда пахта майдонларида 340 та «пўлат от» жавлон урган бўлса, бу йил 734 терим машинасини 1400 механик-ҳайдовчи бошқариб, икки сменада ишлайди. Механик-ҳайдовчиларнинг район кенгашида ҳосилнинг ярмидан кўп қисмини, яъни 35 минг тоннасини терим агрегатлари билан йиғиштириб олишга қарор қилинди.

Кўп ўтмай олтиндан ҳам қиммат маҳсулот юкланган карвон — юк автомашиналари, автоприцеплар колоннаси боғ олдидаги майдонда пайдо бўлади. Колонна бошида биринчи бўлиб «Ленин йўли» колхозининг қизил алвонлар ва байроқлар билан безатилган автомашиналари боради. Сўнгра бошқармадаги «Гулистон», Охунбобоев номли, Тельман номли колхозлар, 1-«Пискент», «Бўка», бошқа колхоз ва совхозларнинг автомашиналари ўтади. Бу машиналарга дастлабки терилган 300 тоннага яқин «оқ олтин» ортилган.

Қизил карвон тантанасига бағишланган митингни Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Т. Ражабов очади.

Машҳур пахтакор, Тельман номли колхознинг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким-полвон Қодиров минбарга чиқади. У бригада аъзолари мисли кўрилмаган ҳосил етиштирганликларини завқ-шавқ билан гапиради.

— Бу йил биз, — дейди полвон, — 120 гектар майдонга чигит экиб, 50 центнердан пахта хирмони кўтариш юзасидан қўшимча мажбуриятни олдик. Сўзимизнинг устидан чиқамиз, албатта. Ҳосилнинг 80 процентини машина ёрдамида теріб оламиз.

Тошкент шаҳар, Киров район меҳнаткашлари, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳар ишчилари ва хизматчилари Бўка бошқармасидаги хўжаликларни оталиққа олганлар. Мезбонлар минбарда ҳозир бўлган ана шу шаҳарларнинг ванилларига пахтаси қийғос очилган гўзадан гулдасталар топширдилар.

«Гулистон» колхозининг раиси И. Ҳайдаров, машҳур механизаторлар: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, (Охунбобоев номли колхоз) ва Мария Ковалева (Тимирязев номли колхоз), «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси Жума Узоқов ва 1. «Пискент» совхозининг механик-ҳайдовчиси Т. Маҳмамов ўртоқлар сўзга чиқиб, бошқарма меҳнаткашларини далаларда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай териб олиб, она-Ватан омборларига топширишга чақирдилар. Тошкент шаҳар, Киров районидаги «Компрессор» заводи партия ташкилотининг секретари В. П. Струченко, Оҳангарон ГРЭСи директори С. Калонов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Муҳаммедов, революция ветерани, нафақа пенсионер Усмонов ўртоқлар пахтакорларга ҳосилни тез йиғиб-териб олишда муваффақиятлар тиладилар.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

КУНИГА 60-70 КИЛОГРАММДАН

Андижон бошқармасидаги «Октябрь» колхозининг коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган ўртоқ Мирзанодир Каримов бошлиқ бригадасида пахта йиғим-терими қизитиб юборилди.

Теримчиларга яхши иш шароити яратиб берилганлиги туфайли опа-сингил Донохон ҳамда Каринахон Мирзаилёсова, Насибахон Бўронова, Шаҳодатхон Жўраева каби чеварлар ҳар куни 60-70 килограммдан биринчи сорт пахта териб, топшириқни ошиғи билан адо этмоқдалар.

Колхознинг Маматқодир Қамбаров ва Исмоил Икромов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам пахта йиғим-терими авж олдириб юборилди. Бу бригадаларнинг ҳар бири ҳозиргача тайёрлов пунктига 4-5 тоннадан пахта топширди.

Ж. ТУРДИЕВ.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Поп бошқармасидаги «Москва» колхози пахтакорлари ғўза парваришини августнинг сўнгги кунларигача давом эттирдилар. Колхозда экинларни парвариш қилиш пахта терими билан уланиб кетди. Н. Розиқов, А. Қуролов, А. Алибоев, М. Бобоев, В. Обидов ва А. Арабов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда теримнинг дастлабки кунида 1000-2300 килограммдан пахта териб олишди. Гектаридан 26-35 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олган бу бригадаларда йиғим-терим ишлари кундан-кунга кучайтирилмоқда. Кўплаб теримчилар кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, дастлабки кунданоқ терим нормасини 1,5-2 ҳисса ошириб адо этабошладилар.

А. РАҲМАТОВ.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

УНУТИЛАЁТГАН ИШЛАР

Шаҳрисабз бошқармасидаги «Қизил юлдуз» колхози азаматлари фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳамма бригадаларда пахта яппи очила бошлади. Лекин колхоз правленеси дала шийполарини жиҳозлаш, колхозчиларнинг терим мавсумида унумли ишлашлари учун шароит яратиб бериш каби муҳим масалаларни унутиб қўймоқда.

Ўртоқ Чориев бошлиқ 17-бригаданинг дала шийпони ўпирилиб тушган. Шийпон ёнидаги газ сушилкаси бутунлай ҳароба ҳолга келиб қолган. Бундай аҳволни 7, 18-бригадаларда ҳам учратасиз. Дала шийпонлари ана шундай экан, бу жойда оммавий-сиёсий ишлари олиб бориш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, хўжаликда машина теримига тайёргарлик ҳам раҳбарларнинг эсидан чиқиб қолмоқда. Шу сабабли 6 та пахта териш машинаси ҳали ремонтдан чиқарилмаган. Ҳосили машинада териладиган участкалар ҳали ҳам ажратилган эмас. Колхоз раиси Қаландаров, партия, ташкилотининг секретари Турдиев ўртоқлар теримга тайёргарлик кўриш ва колхозчиларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида қачон бош қотирар эканлар?

Э. ЭШОНҚУЛОВ.

40 «ЗАНГОРИ КЕМА»

Сирдарё бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхозининг 1700 гектар пахта майдони бор. Шу ерларнинг 85 процентидаги ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинди. Бу йил колхоз пахтазорларида ўтган йилдаги 11 та ўрнига 40 та терим машинаси ишлайди. Ҳозир бу агрегатлар теримга тахт қилиб қўйилди.

Механик-ҳайдовчилар ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Исроф Муродов, Ғилмиддин Боғдонов, Султон Маҳкамбоев, Маҳмуджон Ҳасанов ўртоқлар мавсумда 100-120-150 тоннадан пахта теришга ваъда бердилар.

Т. СОЛИЕВ.

АГРЕГАТЛАР ТАХТ ЭМАС

Етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда териб олиш ва давлатга топшириш учун қизғин кураш олиб бораётган Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида машина теримига тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек уюштирилган. Мавжуд 47 та терим машинаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган. Янгидан 22 та «зангори кема» сотиб олинди.

Афсуски, Сурхондарё областининг кўпгина хўжаликларида машина теримига тайёргарлик ишлари сust. Масалан, Жарқўрғон бошқармасидаги «Қизил Октябрь», Энгельс номли ва «Ленинград» колхозларида агрегатларни ремонт қилиш иши чўзилиб кетяпти. Бу хўжаликларда ҳозиргача машина теримига участкалар ажратилмаган. «Қизил Октябрь» колхозида эса 3 та терим машинаси ҳалигача ремонтдан чиқарилгани йўқ. Колхоз инженери Ўртоқ Х. Ашуров ремонт ишини ташкил этиш чораларини кўрмаётир.

Бу йил Сариосиё бошқармаси хўжаликларида 7000 гектар майдондаги пахта «зангори кема»ларда териб олиниши керак. Бироқ, бошқармада терим машиналарини мавсумга тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. 149 та агрегатдан энди 72 таси ремонтдан чиқарилганлиги бунга далил бўла олади. Терим агрегатларини ремонт қилиш айниқса «Ленинизм», Калинин номли ва «Янги рўзғор» колхозларида ёмон уюштирилган. Мазкур хўжаликларда ҳозир ҳам 5-7 тадан ремонт қилинмаган агрегат бор.

Терим машиналарини мавсумга тайёрлашда «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси ҳам фаолиятсизлик кўрсатмоқда. Бирлашма раиси Боғма, бош инженери Шчеглов ўртоқлар қайси колхозда қанча агрегат қайси муддатларда ремонт қилинишини аниқ билмайдилар, графикларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатмаганлар.

Денов областдаги энг йирик ва юқори ҳосилли бошқарма ҳисобланади. Деновликлар бу йил 11.200 гектар майдондаги пахтани машиналарда териб олишлари керак. Бунинг учун агрегатларни аллақачонлар ремонтдан чиқариб қўйиш керак эди. Афсуски, бундай қилинмади. Биргина Ульянов номли колхозда 34 та терим машинасидан 28 таси ремонтдан чиқарилгани йўқ. Генерал Раҳимов номли колхозда ҳам 33 агрегатдан 6 таси ремонт қилинган, холос.

«Ғалаба», «Москва», Охунбобоев номли, Калинин номли колхозларда ҳам терим агрегатларини ремонт қилиш иши билан чинакамига шуғулланилмаётир. Оқибатда бошқарма бўйича ҳали ҳам 150 дан ортиқ агрегат мавсумга тахт қилиб қўйилмаган.

Термиз ва Шеробод бошқармаларида ҳам агрегатларни теримга тайёрлаш навбат кутмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Сурхондарё область бошқармаси, «Ўзсельхозтехника»нинг район бирлашмалари пахта териш машиналари ремонтини кучайтириб юбориш учун ҳамма чораларни кўришлари керак.

А. ҲАМЗАЕВ.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
8 СЕНТЯБРЬ, 1964 ЙИЛ
№ 209 (12.863).

РИХАРД ЗОРГЕНИНГ ЖАСОРАТИ

СОВЕТ РАЗВЕДКАЧИСИНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Иккинчи жаҳон уруши туганига анча бўлди, уруштан кейинги тинч даврда одамзоднинг янги авлоди камол топди. Аммо, бундан йигирма беш йил муқаддам рўй берган воқеалар сиёсатчи ва тарихчилар, ёзувчилар ва кино арбобларини ҳамон қизиқтирмоқда. Уруш йилларида жанг қилган ва фашизм устидан ғалаба қозониш учун курашда қурбон бўлган янги-янги қаҳрамонларнинг номлари маълум бўлиб боряпти.

Бундан бирмунча вақт илгари машҳур француз режиссёри, сценарийчиси Ив Чампи Франция, Италия, Япония кино арбоблари билан ҳамкорликда «Сиз кимсиз, доктор Зорге?» деган фильм яратди. Яқин орада бу фильмни совет томошабини ҳам кўради.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида Японияда иш кўрган совет разведкачиси фильмнинг бош қаҳрамонидир. Баъзи воқеаларнинг буржуазия тарихшунослиги нуқтаи назаридан талқин этилишига қўшила олмасак ҳам, фильмнинг фазилатларини инобатга олмаслик мумкин эмас. Фильмда даставвал журналист, кейинчалик эса Токиодаги Германия элчихонасида дипломат бўлиб ишлаган Рихард Зорге ҳақида чуқур бадиий нафосат билан ҳикоя қилинган.

Рихард Зорге ҳақиқатан ҳам совет разведкачиси эди, бу образ сценарийчи томонидан тўғриқ чиқарилмаган. Шундай одам яшаган. У бизнинг ватандошимиз, ўртоғимиз ва маслаҳдошимиз эди. У коммунизм идеяларига чексиз садоқатли эди. Ватан олдидаги ўз бурчини беками-кўст бажарди.

Зорге 1895 йилда Боку шаҳрида техник оиласида туғилди. Унинг отаси немис фирмасига қарашли нефть конларида ишларди. Отаси немис миллатига мансуб, онаси эса рус эди. Рихард Карл Маркснинг шогирди ва сафдоши, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, I интернационалнинг ветерани Фридрих Адольф Зоргенинг набираси эди. Маълумки, Владимир Ильич Америка Қўшма Штатлари Социалистик ишчи партиясининг асосчиларидан ва турли миллат ва эталларга мансуб бўлган ишчиларни бирлаштирган Интернационал ишчи иттифоқининг ташкилотчиларидан бири бўлган Ф. Зоргенинг фаолиятига юксак баҳо берган эди ҳамда Ф. Зоргенинг К. Маркс, Ф. Энгельс билан ёзишмаларининг русча нашрига сўз боши ҳам ёзиб берган эди. Фридрих Зоргенинг ўғли, Рихардининг отаси — Адольф Нью-Йорк яқинидаги Стеффенс номли Политехника мактабини битиради. 1894 йилнинг декабрь ойида Ф. Зорге Ф. Энгельсга, ўғлимиз Чикагода ишламоқда, деб ёзган эди. Бувасининг ҳаёти Рихард дунёқарашининг шакилланишига таъсир этгани шак-шубҳасиздир.

Рихард Зорге уч ёшга тўлганида унинг ота-оналари Бокудан Берлинга кўчиб кетадилар. Р. Зорге Берлинда таълим олади. 1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошлангач, Рихард Зорге армияга чақирилади. У 1916 йилнинг мартига қадар фронтда бўлди, уч марта яраланди. У ўзининг икки ватани — отасининг ватани бўлган Германия ва ўзи туғилган ва онасининг ватани бўлган Россия ўртасидаги урушнинг бутун разолатини ўз кўзи билан кўрди.

Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ҳамда бу революциянинг Гарбдаги акс-садоси навқирон Зоргега ҳам атрофдаги ҳодисаларга бошқача кўз билан қараш кераклигини ўргатди. У ўзининг бутун фаолияти-ни тинчлик ишига бағишлади. Зорге 1919 йилда Германия Компартияси сафига кириб, революцион курашда актив қатнаша бошлади. Шу йиллари у Гамбург университетини туғатиб, социал фанлар доктори даражасини олди.

Ҳукумат таъқибидан яширинишга мажбур бўлган Зорге Аахен ва Нидерландия кўмир саноати корхоналарида қора ишчи бўлиб ишлади, партия курсларида дарс берди, партия газетасига муҳаррирлик қилди.

1925 йилнинг бошларида Зорге Ватанига қайтади. У Москвага келади ва шу йилиёқ ВКП(б) сафига киради. Москвада Рихард Зорге партия иши билан машғул бўлади.

1929 йил. Германияда милитаристлар бош кўтариб, фашизм ҳокиятга чанг сола бошлади. Шарқда эса япон ҳарбийлари ўз қўшиналарига ҳавф сола бошладилар. Уруш овозаси тарқала бошлади.

Зорге тинчлик бир хазина эканлигини ва уни фақат ҳарбийлар ва дипломатларгина муҳофаза қилишлари керак эмаслигини яхши тушунади. Тинчликни ҳимоя қилиш учун разведкада ишлаш энг фойдали бўлади, деб ўйларди Зорге.

Бундай қараганда, разведкачилик ҳунари жўнгина ва романтик кўринади. Аммо Зорге бу иш саргузашт адабиётда тасвирланганидек осон эмаслигини жуда яхши билар эди. Бутун куч-қобилиятини сарфлаш талаб этилишини ва разведкачи покиза одам бўлиши кераклигини у тушунарди. Разведкачи энг нодир материал — одам билан муомала қилиши лозимлиги учун ҳам шундай бўлиши керак. Ишнинг қийинлиги фақат шундагина эмас. Разведкачи биринчи навбатда сиёсатчи бўлиши лозим. У биринчи қарашда ўзаро сира боғланмагандек кўринган воқеаларни ақл тарозисига солиб, таҳлил этиши ва уларнинг алоқасини аниқлаши керак. У стратег сингари мушоҳадаси кенг бўлиши ва ҳамма нарсани ипидан игнасигача кузатиб туриши лозим. Разведка — сира тўхтамайдиган оғир ишдир, оғир меҳнатдир. Зорге разведкачи доимо олдинда бориши ва ўзидан кейин келаётганларга йўл очиши керак, деб ҳисобларди.

ДАСТАВВАЛ Зорге Шанхайга жўнайди. У ердан туриб, немис газеталарига мақолалар юборади, сўнгра эса «Франкфуртер цайтунг» газетасининг мухбири бўлиб Токиога боради.

Рихард Зорге билимдон, тиниб-тинчимас, зукко йигит эди. У кўп ўтмай, Япония бўйича йирик мутахассис ва етук журналист сифатида танилади. унинг фикрига фақат Токиодаги Германия элчихонасидагина эмас, балки Берлинда ҳам қулоқ сола бошлайдилар.

Ғарбдаги баъзи бир ёзувчилар ҳаёлининг меваси бўлган сири асрорли разведкачиларга Зорге сира-сира ўхшамас эди. Махфий ҳужжатларни ўғирлаш учун у пўлат сандиқларни бузиб очгани йўқ. Бу сирли ҳужжатларни эгаларининг ўзи унга бажонидил кўрсатишарди. У махфий ҳоналарга кириш учун тўппончадан ўқ узгани йўқ. Бу ҳоналарнинг эшиклари унинг рўпарасида эгалари томонидан очилди. У ҳамиша бардам ва қувноқ эди, унинг атрофида амалдорлар ва ҳар хил фикрдаги кишилар ўраланишиб юришар, у билан танишишга ишқивоз эдилар. Берлиндан келган йирик гестапочи Мейзингер Зорге билан учрашганлиги қилиш орзусида эди.

Бир неча йил давомида Рихард Зорге Токиодаги немис колониясининг ва нацист партия ташкилотининг обрўли аъзоларидан бири бўлиб юрди. У немис ҳарбий атташеси билан қадрдон дўст бўлиб олди ва амалда унинг маслаҳатчиси эди. 1938 йилда эса Зоргенинг мадади билан ҳарбий атташе Германиянинг Токиодаги элчиси қилиб тайинланди. Журналистлар ўртасида, немис колониясида обрў орттирган Зоргени Германиянинг Японияда-ги элчихонасига матбуот атташеси қилиб тайинлайдилар.

Разведкада танлаб олинган йўлига яраша иш, тутиш катта аҳамият касб этади. Рихард Зорге Токиодаги олаговур немис колониясида яшаб, Германиянинг «ватанпарвари» ва «содиқ» нацист ролини ўхшатиб ўйнади. Шундай қилиб, у янада қаттароқ режаларни туза бошлади. Германия элчиси Германия—Япония муносабатларига доир ҳамма масалаларда бўйича у билан маслаҳатлашар ва Берлин билан бўлган ёзишмаларни унга кўрсатиб турарди.

Баъзи бировлар уни келишган жувонлар, вино ва рақсдан бошқа ташвиши бўлмаган маишатпараст йигит, деб айтардилар. Ана шу ялло қилиб юрган йигит ҳақиқатда бутун иродасини йиғиб, зўр бериб ишлаяпти деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Унинг фикр-хаёли доимо ишда эди. Ҳеч қачон ишни унутмасди. Элчихонада қабул маросими вақтида ҳам, янги йил балида ҳам ёки баронесса Юки Сакураи қайиқчасида сайр қилиб юришганда ҳам Зорге иш ҳақида ўйларди.

Зорге мард ва топқир разведкачи эди. Марказ билан алоқа узилиб қолганда Гонконг шаҳрига бориш зарур бўлиб қолди. Япония билан Хитой ўртасида уруш бўлишига қарамасдан, журналист Зорге жанг майдонига ўтиб борди. Токиодаги немис колониясининг нафасини ичига ютиб, японларнинг Хитойдаги ҳужумлари ҳақида ўз арзандасининг репортажини ўқиб борарди. Унинг «Франкфуртер цайтунг» газетасидаги мақолалари учинчи рейхнинг хўжайинларига ўнта дипломатик докладдан кўра ҳам кўпроқ таъсир ўтказар эди, — дейди Германия элчихонаси протокол бўлимининг собиқ мудири Ганс Отто Мейснер. — (кези келганда айтиб ўтайликки, у фильм авторларининг бош маслаҳатчиси ва фильмда ўз ролини ўзи ўйнайди).

Рихард Зорге немис колониясидан ташқарида ҳам жуда кўп таниш-билишлар орттирди. Ватанпарварлик кайфиятидаги японлар ўртасида унинг содиқ дўстлари кўп эди. Ўша вақтдаги Япония бош министри шахзода Коноэнинг маслаҳатчиси Одзаки Озуми шулардан бири эди. Одзаки ўз юртининг ватанпарвари, ватанини севар ва унга яхшиликни раво кўрарди. Япония Хитойга қарши ва сўнгра Тинч океанда уруш бошлаганда у руҳан эзилиб юрди, чунки Япония оқибатда мағлуб бўлишига иқрор эди. У коммунист бўлмаса-да, урушга қарши бўлгани ва ватанпарварлиги учун Зоргега ёрдам берарди, чунки Японияннинг уруш натижасида шарманда бўлишини ва мағлубиятга учрашини истамас эди.

1939 йил. Гитлер ва унинг хамтовоқлари Ғарб давлатларининг гиж-гижлаши билан бир мамлакат кетидан иккинчи мамлакатни босиб олмоқдалар. Фашизм Польшага ҳужум қилишга ҳозирланмоқда. Зорге бу хабарни эшитиб, Германиянинг Польшага ҳужум қилиш кунини Москвага билдиради.

Берлин—Рим—Токио ўқининг нариги учида турган ва Германия элчихонасининг шошилинч фаолиятидан хабардор бўлган Рихард Зорге ҳар бир маълумотдан Совет ҳукумати хабардор бўлиб туриши учун қилиб келган ҳамма ишни қилди.

Даҳшатли 1941 йил. Москвага яшин тезлигида хабар юборилди: немисларнинг 150 дивизияси Совет мамлакатига 20 июндан кечикмай ҳужум қилади. Кейинчалик Зорге бу маълумотни аниқлаб, ҳужум 22 июнда бўлади, деб хабар беради.

Рихард Зоргенинг хизмати шундаки, у Гитлернинг Совет Иттифоқига қачон ҳужум қилиши ҳақида аниқ маълумот берди. Аммо Сталининг шахсига сиғиниш оқибатида мамлакатда юзага келган шароитда бу ахборот инобатсиз қолдирилди. Ўртоқ Зорге ахборотини ва гитлерчилар Совет Иттифоқига қарши ҳужумга тайёргарлик кўраётгани тўғрисидаги маълумотларни Сталин инобатга олмаганлиги оқибатида халқимиз минг-миллиглар қурбонлар беришга мажбур бўлди. Зоргенинг ва унинг ёрдамчиларининг жасорати ва фидокорлиги душман Москва остоналарида турган, Ватанимиз учун оғир кунларда ҳарбий кучларни совет—герман фронтида тўплашга ёрдам берди. Япон ҳарбийлари уруш мақсадида ўз куч-қудратини Тинч океанида йиғаётганлиги ҳақидаги аниқ ва ишонарли маълумотларни Зорге юборган эди. Шунинг учун ҳам Совет қўмондонлиги ҳарбий кучларнинг бир қисмини Узоқ Шарқдан герман фронтига кўчирди.

Зорге Токиода ишлаган бўлса ҳам, унинг бутун фаолияти биринчи галда фашист Германиясига қарши қаратилган эди. Москва ва Волга ҳимояси учун бўлган жангларда Зорге ғалаба қозонишимиз учун катта ҳисса қўшди. Зорге ва унинг дўстлари юборган маълумотлар Гитлер армиясига қарши курашда ўз ролини ўйнади ва катта ёрдам берди.

Назарга олинмаган шароит оқибатида япон полициясининг Зорге группаси аъзоларининг изига тушди. Қамоққа олишлар бошланди. 1941 йилнинг 18 октябрида Рихард Зорге ҳам қамоққа олинди. У қамоқда бир неча йил ётса ҳам, умрининг охиригача Ватанига содиқ бўлиб қолди.

Тинч океандаги урушда маълум бурилиш рўй берди. Урушда мағлубиятга учрашдан чўчиётган япон маъмурлари мард ва кўркмас коммунист Зоргедан ўч олиш пайига тушдилар.

У 1944 йил, 7 ноябрда эрта билан қатл этилди.

Қаҳрамоннинг мозори Токио шаҳридаги Тамабати қабристонидадир. Қаҳрамоннинг мозорига бир япон аёли тез-тез келиб туради ва фильм авторларининг фикрича, у қуйидаги гапларни айтган: «Мен Зорге қабрига гуллар эқдим. Рихард Зоргени севардим. Ҳозир ҳам уни севаман».

Рихард Зорге билан дуч келган ҳамма кишилар, ҳозир ҳам ҳаёт бўлган унинг дўстлари Рихард доно, шўх, ҳаётни жон-дан севган киши эди, деб эслайдилар. Ўртоқ Зорге ўз Ватани — Совет Иттифоқига, тинчлик ва социализм ишига содиқ киши сифатида кишиларнинг хотирасида қолган.

Жаҳондаги кўпчилик мамлакат халқлари Зорге жасорати ҳақида эшитганлар. Энди у Совет Иттифоқи халқлари ўртасида ҳам машҳур бўлиб қолади. Зорге халқимиз иши учун курашган ва жонини фидо қилган эди. Фашизмга қарши курашган ва қамоқда ҳалок бўлган машҳур совет шоири Муса Жалилнинг қуйидаги мисралари Зорге ҳақида айтилгандек жаранглайди:

Куйлаб ўтдим шоиди
қурашни.
Умрим ҳали кўркам ёз эди.
Сўнгги шеърим жаллод
болтасига
Бошни тутган чоқда ёзилди.
Ҳур яшашга шу куй ўргатди
Ҳам ўлимга мардона туриб.
Умрим менинг мунгли куй
эди
Ўлимим ҳам янграр куй
бўлиб.

Н. ПЕКЕЛЬНИК.

(«ИЗВЕСТИЯ», 5 сентябрь).



Инобат Рўзибоева Марғилон ипак комбинатининг донгдорларидан. У бошқараётган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ишлаб чиқараётган барча маҳсулот нуқул биринчи сортга қабул қилинаётир. Суратда: бригада бошлиғи комсомол аъзоси Инобат Рўзибоева.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФУТБОЛ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР БОШЛАНДИ

Ўтган шанба куни иккинчи группадаги футбол командалари ҳал қилувчи ўйинларни бошлаб юбордилар. 14 команда беллашгандан кейин улардан дастлабки тўрт ўринни эгаллаганлари келаси йилда «А» классининг биринчи группасида қатнашиш ҳуқуқини оладилар.

Биринчи тур дуранг тури бўлди, десак тўғри бўлади. Олтин учрашувдан тўрттаси дуранг бўлиб тугади. «Пахтакор» ва «Арарат»дан ташқари одессалик армия спорт клуби билан «Черноморец» (1:1), «Даугава» (Рига) билан Львов шаҳрининг «Карпати» (0:0), «Локомотив» (Москва) билан Луганск шаҳрининг «Заря» командаларининг (0:0) ўйинлари ҳам дуранг бўлди.

«Жальгирис» Вильнюс шаҳрида Қараганда шаҳрининг «Шахтёр» футболчиларини 1:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратди. Харьковнинг «Авангард» командаси ҳам дастлабки муваффақиятни қўлга киритди. Бу команда «Труд» футболчилари дарвозасига икки тўп киритиб, ўз дарвозасидан битта ҳам тўп ўтказмади.

1—14 ўрин учун курашаётган командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Команда	Ўйин	Очко
Армия спорт клуби (Одесса)	13	17
«Жальгирис»	13	16
«Локомотив» (Москва)	13	15
«Авангард»	13	14
«Пахтакор»	13	14
«Локомотив» (Челябинск)	12	13
«Черноморец»	13	13
«Арарат»	13	12
«Карпати»	13	12
«Заря»	13	12
«Шахтёр» (Қараганда)	13	11
«Труд»	13	11
«Локомотив» (Тбилиси)	12	10
«Даугава»	13	10

Футбол ишқибозларининг илтимосига биноан «Пахтакор»нинг ўйин жадвалини берамиз. Сентябрь ойида: 10. «Пахтакор» — «Локомотив» (Тбилиси). 15. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор». 20. «Карпати» — «Пахтакор». 25. «Пахтакор» — «Труд». 30. «Шахтёр» (Қараганда) — «Пахтакор». Октябрь ойида: 5. Армия спорт клуби (Одесса) — «Пахтакор». 14. «Арарат» — «Пахтакор». 19. «Локомотив» (Тбилиси) — «Пахтакор». 24. «Пахтакор» — Армия спорт клуби (Одесса). 29. «Пахтакор» — «Карпати». Ноябрь ойида: 2. «Труд» — «Пахтакор». 7. «Пахтакор»—«Шахтёр» (Қараганда). 12. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва).

Футбол чемпионатининг навбатдаги тури 10 сентябрда ўйналади.

ТИНГЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

8 СЕНТЯБРЬ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 7.45 — Пионер эрталиги. 8.25 — Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси халқ чолғу оркестри солистларининг концерти. 9.25 — Мушелнинг ўзбек халқ темаларида ёзган пьесалари. 9.50 — Тожик тилида «Юбилей вахтасида» деган эшиттириш. 10.30 — Музикали драмалардан парчалар. 11.15 — Тарих фанлари доктори Х. Турсуновнинг «Ўзбекистон республикасининг барпо этилиши» деган суҳбати (рус). 11.25 — Композитор Александр Берлиннинг Ростислав Гузь шеърига ёзган ашуласи ўргатилади. 13.30 — Вокал ансамбллар концерти. 15.25 — Реклама ва эълонлар. 15.50 — Ўзбек тилида «Хоразм йўллари гўзал бўлади» деган эшиттириш. 16.00 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Композитор Н. Ҳасанов ижодига бағишланган эшиттириш. 16.40 — Микрофон олдида —болалар шоирлари (ўзб.). 18.00— Ёш ижрочилар концерти. 19.20 — Қорақалпоқ куйларидан концерт. 20.00 — Рус тилида «Халқ контролёрларининг диққат-эътиборида» деган эшиттириш. 20.10 — Республика журналистларининг талабларига мувофиқ концерт. 20.45 —Ўзбек тилида «Микрофон билан Самарқанд корхоналарини кезганда» деган репортаж. 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт. 22.10 — Дам олиб, куйлар тинглаймиз. 22.30 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Адабий ҳаёт янгиликлари. 23.10 — Мақомлар кечаси. 00.15 — Москвадан «Ўлик жонлар» спектаклининг давоми олиб эшиттирилади. Боши иккинчи программа орқали соат 22.00 да эшиттирилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Кавказ куйчиси** (М. Ю. Лермонтов туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан, мактаб ўқувчилари учун). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45—**Халқаро ҳаёт.** 19.00 — **Комсомол прожектори** («Ёшлик» студиясидан). 19.20 — **Концерт** (Охунбобоев номли Маданият уйи татар бадиий ҳаваскорлар ансамбли ижросида). 19.55 — Средазвидение. **Каспийдан Тянь-Шангача** (телевизион журнал).

20.15 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.25 — **Телевизион янгиликлар.** 20.40 — **Беш мингинчи компрессор тайёр** (саноат ходимлари учун). 21.00 — **Журналистлар тинчлик учун нурашда.** 21.15 — **Реклама ва эълонлар.** 21.20 — **Калоян** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IX да **Трубадур**, 9/IX да **Майсаранинг иши.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Мандат — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА», (2-зала). «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Назр — «ИСКРА», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

Толя Клюквин саргузаштлари — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Севадими-йўқми — «МИР», «ДРУЖБА» (1-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Почтальон эшик қоқди — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Капитан — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да), «ЧАЙКА» (эрталаб 10, кундуз 12 ва 2 да).

Бирга бўлганингдагина — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қизил уй новеллалари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10-10 минутда)

Козара (1 ва 2-серия)—«ОКТЯБРЬ».
Палиастоми — «ВАТАН».

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли.

Эртагача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Севадими-йўқми — КАФАНОВ номли, ФРУНЗЕ номли, «ШАРҚ».

Қизил уй новеллалари — «ХЕВА».

Бир кун хроникаси — «САЛЮТ», КИРОВ номли.

Назр — ТЕЛЬМАН қоқли.

Париж сирлари — «УДАРНИК».

Хазиналар ороли — «1 МАЙ».

Севги ва иккинчи учувчи — СТЕПАН РАЗИН номли.

Командир арзандаси — ПУШКИН номли.

Киморхонадаги фирибгарлик — «ПАХТАКОР».

Крепостной актриса — «РАКЕТА».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

9, 10 сентябрда

«А» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:

«Локомотив» (Тбилиси) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

(финал ўйин)

9/IX кеч соат 6 да дублёр состав, 10/IX кеч соат 7 да асосий состав ўйнайди.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ҳ. Ғулом асари.

Ўғил уйлантириш

2 пардали музикали комедия.
Ю. Ражабий, С. Юдаков, Б. Зейдман музикаси.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Р. Ҳамроев**, рассом — **Г. А. Визель**, дирижёр — **Қ. Усмонов.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТЕЗ КУНДА

1964/65 йил

ҚИШКИ МАВСУМИ

ОЧИЛАДИ

Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши
Саноат ва қурилиш материаллари бош бошқармасининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

токарлар, слесарлар, юкчилар, электросварқачилар, фрезерчилар, мастерлар, реализатор, конструктор инженерлар, технолог инженерлар, бухгалтер, ёрдамчи ишчилар, қолипчилар, монтажчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳри, Малобешагачская кўчаси, 91-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 51-9-23, 51-4-42.

Калинин район, Юнусобод қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозда турувчи **Воҳид Қодировнинг** шу колхозда турувчи Раҳима Қодирова (Юнусбоева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳри, Сельмаш кўчаси, 91-уйда турувчи **Зинаида Георгиевна Башорининг** Киров область, Зуевка шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 38-уйда турувчи Станислав Степанович Башоринда ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 71-уй, 47-квартирада турувчи **Валентина Алексеевна Бинованинг** шу уйда турувчи Дмитрий Иванович Бинованинг ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФОРУМДА ҚАТНАШУВЧИ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Ёшлар ва студентларнинг жаҳон форумида қатнашувчи совет делегациясининг составини эълон қилинди. Бокудан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жафаров, Ленинграддаги «Электросила» заводининг участка бошлиғи А. Астафьев, Донецкдан «Комсомолец» шахтаси кўмир комбайнининг машинисти, Ленин мукофоти лауреати А. Бочкарев, Братск ГЭСининг инженери А. Марчук, Узбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Турсуной Раимова, Краснодар ўлкасидаги Ленин номли колхоз механизатори РСФСР Олий Советининг депутати В. Остапов ҳамда бошқалар делегация составига кирдилар.

Делегация составида СССР учувчи космонавти Ю. Гагарин бор.

Делегацияга ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Павлов бошчилик қилади. (ТАСС).

БУКИЛМАС КУРАШЧИ

АҚШ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 сентябрь. (ТАСС). Элизабет Гэрли Флинн вафоти муносабати билан Қўшма Штатлар Коммунистик партияси баёнот эълон қилди.

Биз партиямизнинг севикли раҳбари Элизабет Гэрли Флинн 74 ёшда вафот қилганини билиб, дейилади баёнотда, чуқур изтиробга тушдик. Ирландия ишчилар синфининг фарзанди бўлган Элизабет Гэрли Флинн энг ёшлик чоғлариданоқ, Америка меҳнаткашларининг манфаатлари учун оташин курашчи бўлиб келди ва миллион-миллион кишиларга «исёнкор қиз» бўлиб танилди. Ишчилар синфининг бошқа кўпгина атоқли арбоблари сингари у ҳам Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирди ва жуда кўп йиллар мобайнида партиянинг асосий раҳбарларидан бири бўлиб келди.

Узининг узоқ йиллик ва актив сиёсий ҳаёти мобайнида, деб таъкидланади сўнгра баёнотда, у, ишчиларнинг йўлбошчиси бўлиб қолди ҳамда ҳозирги аср бошидан буён Америка ишчилари олиб борган кўпгина буюк жангларда қатнашди. Узоқ давр мобайнида унинг номи гражданлик ҳуқуқлари учун олиб борилган кураш билан боғланган бўлиб, у, Мунин-Биллингс ва Сакко-Ванцетти процессларида нўзга кўринарли роль ўйнади. Бир неча йил муқаддам унинг ўзи ҳам тюрьмага ташланиб, Смит қонунининг азобини тортди, лекин Коммунистик партияни шармандали мажкараси қонунидан ҳимоя қилишда умрининг сўнгги дамларигача актив қатнашди, «Холл-Дэвиси ҳимоя этиш юзасидан кураш комитети»га бошчилик қилди. У, кўпдан-кўп мақола, брошюра ва китобларни ёзган адиб сифатида ҳам кенг ном чиқарди.

Элизабет Гэрли Флинн, дейилади баёнотнинг охирида, фақат атоқли сиёсий раҳбар ҳамда озодлик ва социализм учун букилмас курашчи бўлиб қолмай, аввало, том маъноси билан ҳаҳлиқ инсон эди, уни таниган ҳамма одамлар — коммунистлар ҳам, коммунист бўлмаганлар ҳам саминий меҳрибонлиги, инсонпарварлиги ва халққа муҳаббати туфайли, уни қадрлар эдилар.

Инсониятнинг истиқболи йўлида унинг тинмай қилган меҳнати ҳамда озодлик ва социализм ишига қўшган буюк ҳиссаси ҳеч қачон унутилмайди. Гарчи ўзи оранизидан кетган бўлса ҳам, унинг хотираси озодлик ва социализм иши ғолибона суратда тугаллангунча — социалистик Америка барпо бўлгунча Флинн ишини давом эттира берадиган ҳамма кишилар учун доимо илҳом бағишлай беради. У сарфлаган ҳамма куч-ғайратларнинг мақсади социалистик Американи барпо этиш эди.

АСТРОНОМЛАРНИНГ ГАМБУРГДАГИ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

БОННН, 7 сентябрь. ТАСС мухбири **В. Иванов** хабар беради: Гамбургда Халқаро астрономия иттифоқининг конгресси тамом бўлди. Конгресс ишида жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари бўлган олимлар: Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия, Франция, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатлардан келган астрономлар иштирок этишди. Конгрессдаги совет делегациясига Арманистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик В. А. Амбарцумян бошчилик қилди.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. В. Северинийнинг Қуёшдаги магнитли ҳодисалар тўғрисидаги темада қилган доклади конгресс ялпи мажлисидаги асосий докладлардан бири бўлди. Академик В. А. Амбарцумян конгрессдаги бир неча комиссиянинг қўшма мунозараларидан бирида доклад қилди. Совет олимлари Гамбургда ҳаммаси бўлиб йигирмата доклад қилдилар. Бу докладлар катта қизиқиш туғдирди.

Конгресснинг мақсади, деди совет делегациясининг аъзоларидан бири профессор Д. Я. Мартинов ТАСС мухбири билан суҳбатда, астрономиянинг бир қанча соҳаларида илмий тадқиқотлар ташкил этиш ҳамда шу тадқиқотларни халқаро миқёсда координациялаш эди. Д. Я. Мартинов Халқаро астрономия иттифоқининг қиқдан ортиқ комиссияси жаҳондаги турли мамлакатларда олиб бораётган ишларнинг асосий мақсади ҳам худди ана шундан иборат, деб таъкидлади.

Астрономларнинг Гамбургдаги конгресси, деб уқтирди пировардида у, шан-шубҳасиз, халқаро фанни ривожлантиришга жиддий ҳисса бўлиб қўшилди. Конгресс бутун дунёдаги астрономлар яхши келишиб ишлаётганликларини ҳамда улар илмий ҳамкорлигини давом эттиришга тайёр турганликларини намойиш қилди.

ЛЕЙПЦИГ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

ЛЕЙПЦИГ, 7 сентябрь. ТАСС мухбири **В. Селиверстов** хабар беради:

Кеча кузги халқаро Лейпциг ярмаркаси очилди. Жуда кўп павильонларнинг эшиклари меҳмондўстлик билан очиб қўйилди. Бу павильонларда кенг истеъмол моллари намойиш қилинмоқда.

Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Штоф ва ГДРнинг бошқа раҳбарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко бошчилигидаги Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси «Ринг мессехауз» бош виставка биносига экспонатларни кўздан кечириш учун келишди.

В. Ульбрихт Совет Иттифоқи стендларида намойиш қилинаётган буюмларга, жумладан сунъий толадан тўқилган газламаларга, шунингдек мўйна ва Бухоро гиламларига юқори баҳо берди.

СССР ярмаркага 5 минг экспонат қўйган. Улар орасида соатлар, киноаппарат ва фотоаппаратлар, радиоприёмниклар, телевизорлар, холодильниклар, чинни буюмлар, тўқимачилик товарлари, мўйна бор.

СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари иттифоқи Кипр Республикасига икки тонна турли медицина дори-дармонлари жўнатди. Бу дорилар турк авиацияси ҳужумидан жароҳатланган киприяниларни даволаш учун юборилди. Суратда: дори-дармонлар тарқатилмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги 27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар—28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 11877 ИНДЕКС — 64543. № Б. — 209.